O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI KUTUBXONASI INV №

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2002 йил, 16 июль, сешанба № 85 (1661). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 16 июля, 2002 год № 85 (1661). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 июль куни Оқсаройда Япония ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг катта ўринбосари Сэйкен Сугиура раҳбарлигидаги «Ипак йўли энергетик миссияси» вакиллари делегациясини қабул қилди.

— Япония Бош вазири Дзюнъитиро Коидзуми ташаббуси билан ташкил этилган мазкур миссиянинг номи унинг мақсадларини яққол кўрсатиб турибди, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Миссия таркибида Японияннинг ҳукумат, ишбилармон ва академик доиралари қаторида, Ўзбекистонга яхши таниш бўлган, мамлакатимиз билан ҳамкорлик борасида бой тажрибага эга банк ва компаниялари вакиллари бўлгани ҳам диққатга сазовордир.

Осиё давлатларининг шу йил апрель ойида Боао (Хитой) шаҳрида бўлиб ўтган форумида Бош вазир Д. Коидзуми минтақамиз мамлакатларининг бутун Шарқий Осиёдаги иқтисодий ҳамкорлик жараёнларига интеграциялашуви ларнинг Япония билан алоқалари ривожи учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган эди. Унинг бу ташаббусини рўёбга чиқариш мақсадида энергетика соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларини ўрганиш учун «Ипак йўли энергетик миссияси» тузилди.

Умуман, Ўзбекистоннинг Япония билан муносабатлари ҳар соҳада жадал ривожланмоқда. Иқтисодиёт борасида Японияннинг шу вақтгача Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 1,6 миллиард, «Тараққиётга расмий ёрдам» ҳукумат дастури доирасида кўрсатаётган ёрдамининг ҳажми эса 100 миллион АҚШ долларидан ошгани, мамлакатимиздаги қарийб барча йирик лойиҳаларда япон сармоядорлари иштирок этаётганини айтишнинг ўзи кифоя. Сиёсат бобида томонларнинг кўплаб халқаро масалаларга муносабати муштарак, бундан ташқари, Ўзбекистон Японияни БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари сафидан жой олишини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон ва Япония бир-бирининг террорчиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳам маъқуллаб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Оқсаройдаги учрашув чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ўзаро алоқалар кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

ҒАЛАБА— ВАҚТДАН ЮТГАННИКИ

Вақтни орқага қайтара олмайсиз. Уни тўхтатиб ҳам бўлмайди. Вақт деганлари— оқар сув. Кўзни очиб юмгунингизча оқади-кетади.

Вақтдан ҳамма унумли фойдаланиши керак. Бу ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ватан посбони — аскар учун вақтнинг қадри ниҳоятда бебаҳо, олтиндан қиммат. Шундай деяпмиз-у, умуман олганда, вақтнинг қадрини «олтиндан тарозию олмосдан тош билан» ҳам ўлчаб бўлмайди.

— Айни дамларда,—дейди оддий аскар Дилшод Тошпўлатов (у Фарғона вилоятининг Риштон туманидан хизматга чақирилган), — ҳар он, ҳар дақиқа биздан самарали фойдаланишни талаб этмоқда. Бугун машғулотларда фаол иштирок этмасак, олган назарий билимларимизни такрор-такрор ўқимасак, амалий машғулотларда ўзимизни кўрсатмасак, эртага синовлар пайти минг ҳаракат қилмайлик, минг уринмайлик, вақтни қўлдан бой бериб қўйган бўламиз.

Биласиз, вақтинг кетди, нақдинг кетди, деган ҳикматли гап бор. Агар ёзги мавсум ўқув машғулотларида кўпроқ билимга эга бўлишни истасак, маҳоратимизни янада юқорироқ чўққига чиқармоқчи бўлсак, аввало вақтдан самарали фойдаланишимиз зарур.

— Вақт кўрсатади, деган оддийгина тушунча бор,— дея гапга қўшилди оддий аскар Рустам Эгамов (у Бухоро вилоятининг Пешку туманидан хизматга чақирилган).— Халқимиз, «жўжани кузда санаймиз», дейди. Бу ҳикматли сўзларнинг замирида вақтга ишора бор.

Вақт ҳақида фикримиз оддийгина баён этадиган бўлсам, ғалаба — вақтдан ютганники. Машғулотларимиз вақтида ўтилса, машқларни ўз вақтида бажарсак, ўз устимизда вақтида ишласак, ҳар қандай имтиҳондан муваффақиятли ўтамиз, албатта.

Мен подполковник Мавлон Юнусов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда хизмат қилаётганимга тўқкиз ойдан ошди. Хизматимнинг ярми ўтди. Ортда қолган вақтлардан ҳар томонлама самарали фойдалана олдик. Шу чоққача бирор марта бесабаб машғулотларимиз ўтказилмай қолгани йўқ. Бўш вақтимиз ҳам бесамар ўтказилмайди. Спорт мусобақалари, турли учрашувлар мунтазам ўтказилиб турибди. Ажойиб кутубхонамиз, барча шароитларга эга спорт майдончамиз бор. Бассейнимиз ҳамиша тоза сув билан лиқ тўла. Белгиланган вақтда маза қилиб чўмиламиз.

Аскарлик ҳаётимда ўтказаётган вақтим қизиқарли воқеаларга бой бўлляпти.

Аскарларнинг айтган гапларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, демак, улар хизмат қилишаётган қисмда вақтдан унумли фойдаланиш тўғри йўлга қўйилган. Бу аксиома: вақтдан унумли фойдаланганларнинг ҳамиша иши ўнгидан келади.

Майор А. ОБРУЕВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ДАРСЛИКЛАР ТАЪМИНОТИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ҳадемай янги ўқув йили бошланади. Шу боис ўқувчиларни ўқув қуроллари, айниқса, дарсликлар билан таъминлаш бугуннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб турибди. Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам АҲЛИДДИНОВ ЎзА мухбирига бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига дарсликлар эркин сотувга чиқарилмоқда. Лекин бу ота-оналар, айниқса, кам таъминланган оиларнинг молиявий имкониятига ҳар доим ҳам ўнчалик мос келавермайди. Шу боис 1998—1999 ўқув йилидан бошлаб 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб тарбияланувчилари барча дарсликлар билан текин таъминланадиган бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 январдаги «Аҳолининг иқтисодий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002—2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширйш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчилари кутубхона фондидаги дарсликлардан бепул фойдаланиши жорий этилди.

Қарорда 2002 йил 1 сентябридан бошлаб эҳтиёжманд ўқувчиларнинг камида 75 фоизи, 2003 йил 1 сентябридан эса юз фоизини дарсликлар билан ана шу тарзда таъминлаш белгиланган. Жойлардаги халқ таълими бошқармалари маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар қанчалигини ҳисоблаб чиқди. Шу маълумот асосида бепул бериладиган дарсликлар адади аниқланди.

Халқ таълими вазирлиги 2001—2002 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги биттадан туманда дарсликлар ўтказиб беришнинг ижара усулини тажриба-синовдан ўтказди. Унга кўра ўқувчи мактаб кутубхонасидан бутун йил учун зарур дарсликларни нархининг тўртдан бир қисмини тўлаб олади. Полиграфик жиҳатдан юқори сифатли ва пухталиги сабабли мазкур дарсликлардан камида тўрт йил фойдаланиш мумкин.

Мутахассисларимиз жойларда дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимини жорий этиш ишларини таҳлил этди. Натижа дастлабки йилдаёқ бу тизим талай афзалликларга эга эканини кўрсатди. Жумладан, дарсликларни йил охирида бус-бутун ҳолда топшириш зарурати ўқувчиларни тежамкорликка, орасталикка ўргатди. Энг муҳими, ота-оналарга қулайлик яратди. Улар мазкур тизимни янада кенгроқ қўллаш зарурлиги ҳақида истак ва таклиф билдирмоқда.

Яна бир янгилик. Бу йилги 9-синф ўқувчилари машғулотларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида олиб бориши инобатга олинди, улар учун барча дарсликлар қайта нашр этилди. Халқ таълими вазирлиги 2002—2003 ўқув йилидан бошлаб таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактабларнинг 9-синфларида ҳам ижара тизимини жорий қилишни мўлжалламоқда. Бунда таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг юз фоизи, ўзбек тилидагиларнинг етмиш фоиздан кўпроғи дарсликларни ижара йўли билан олади.

Ҳ. СОДИҚОВА, ЎзА мухбири.

● ШАҲРИСАБЗНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

„ЯШИЛ ШАҲАР“ ЯШАРМОҚДА

Жаҳон шаҳарсозлик тарихи ва маданиятида алоҳида ўрин тутган Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйи бутун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу кўҳна ва, айни пайтда, тобора яшариб бораётган шаҳар 1996 йилда темурийлар даври улкан маданий ва маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб тарбиялаш ишига қўйган алоҳида хизматлари эвазига «Амир Темур» ордени билан мукофотланган эди.

Шаҳрисабзнинг ЮНЕСКО қарорига биноан Бутунжаҳон ёдгорлик шаҳарлар рўйхатига киритилиши ҳам бежиз эмас. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 31-сессиясида эса Шаҳрисабзнинг юбилейини нишонлашда ана шу нуфузли ташкилотнинг иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилинган бу воқеанинг жаҳон миқёсидаги ўрни нақадар юксаклигидан далолат беради.

Қадимий Шаҳрисабзнинг тарихи тўғрисида Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарларида, кўплаб тарихшунос ва қадимшунос олимларнинг рисолаларида қизиқарли маълумотлар берилган. Шаҳрисабз — Марказий Осиёда кечган мураккаб тарихий жараёнларнинг гувоҳи. Неча бор вайрон этилиб, неча бор қайта тикланган. Аммо унинг энг гуллаб-яшнаган пайти Амир Темур салтанати даврига тўғри келади. Шу даврда у ҳақиқий илму маърифат марказига айланган. Бироқ азалдан Кеш номи билан атаб келинган, «Яшил шаҳар» маъносини англатувчи Шаҳрисабзнинг ёши нечадалиги тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ эди.

— 1996 йилда юртимизда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланиши буюк бобокалонимиз ватани бўлмиш Кеш — Шаҳрисабз шаҳрининг ёшини аниқлаш учун кенг кўламда археологик тадқиқотлар олиб боришга туртки берди, — дейди Шаҳрисабз ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш инспекциясининг бошлиғи Равшан Қодиров. — Бу ишга Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети археология кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор Анатолий Саъдуллаев бош бўлди. Унинг раҳбарлигидаги илмий экспедиция Зарафшон тоғ тизмасининг Шўробсой тизмида ўтроқ деҳқончиликка асосланган манзилгоҳни қайта ўрганиб чиқди. Улар ўтказган археологик қазилмалар, илмий тадқиқотлар натижасида милоддан аввалги IX асрда Сангир номли қалъа бунёд этилгани исботланди. Унинг майдони уч гектар бўлиб икки қатор пахса девор билан ўраб олинган. Сангиртепадан 650 метр шимолдаги Узунқирда милоддан аввалги VIII—VII асрларда катта шаҳар манзили бунёд этилган бўлиб, бу шаҳар қалъаси 70 гектар майдонни эгаллаган. Бу энг қадимги маскан ҳисобланиб, унинг тарихий шаҳар сифатидаги ёши 2700 йилга тўғри келади. Шу тахлит кўҳна Кеш — Шаҳрисабзнинг қадимий тарихий ўрнини топишга ва ёшини аниқлашга муваффақ бўлинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарори эълон қилиниши билан бутун мамлакатимизда, айниқса Қашқадарё вилоятида бу шонли санага тайёргарлик ишлари қизғин бошлаб юборилди. Тарихий обидаларни таъмирлаш ишлари «Ўзбектаъмиршунослик» институти лойиҳалари асосида олиб борилляпти. Шаҳарнинг кўрки бўлиб турган ўн тўртинчи аср ёдгорликлари — Оқсарой ва Қалъа девори, Дорут-тиловат, Дорусаодат мажмуалари, ўн олтинчи асрда қурилган Чорсу савдо гумбази, Чубин мадрасасини таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари жадал бормоқда. Бу ерда хоразмлик Қўчқор Маткаримов, Абдураҳмон Раҳимов, чустлик Мирсодиқ Нўъмонов, Раҳмат Ерматов, бухоролик Зариф Фаттаев, Исмат Ашуров, қўқонлик Маҳмуд Қорабоев, Абдуҳалил Эшонхонов, самарқандлик Эркин Зуҳуров, Баҳодир Зуҳуров каби мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан таклиф этилган 150 нафардан ортиқ моҳир уста шаҳрисабзлик касбдошлари билан ҳамкорликда иш юритмоқда. Шу кунга қадар

(Давоми 3-бетда).

● С ПОЛЕЙ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

ОБЩИМИ УСИЛИЯМИ

Современный бой характеризуется напряженностью, скоротечностью, резким изменением обстановки, отсутствием четко обозначенной линии фронта и районов безопасности, постоянной угрозой внезапного нападения с любого направления, большим морально-психологическим и физическим воздействием на военнослужащих. Как показали первые учения, проведенные в начале летнего периода обучения, победа возможна только в результате целенаправленных, согласованных действий всех подразделений и каждого военнослужащего.



Старший стрелок рядовой Аваз Аскаров (на снимке) в ходе учений, как и все его сослуживцы, поднимался по тревоге, действовал в составе боевого расчета при убытии подразделения в заданный район, оказывал помощь новичкам, недавно призванным на службу. Но главной его задачей было несение службы по охране штаба учений. Высокая бдительность и добросовестность, проявленные при обеспечении безопасной работы офицеров штаба, были отмечены командованием подразделения при подведении итогов боевой учебы.

Тем, кто присутствовал при постановке задач частям и подразделениям старшим начальником, хорошо запомнились макеты местности, изготовленные начальником топографической службы округа майором Валерием Чубом под руководством майора Шухрата Эргашева и непосредственной помощи старшего лейтенанта Дильшота Мирабдуллаева и младшего сержанта Омана Низомова. Благодаря труду военных топографов намного облегчались организация взаимодействия подразделений всех силовых структур, привлеченных к участию в учениях.

Однако, как ни была важна работа офицеров штаба, много поработавших над оформлением карт и составлением боевых документов, в конечном итоге успех учений все-таки определяли те, кто непосредственно занимает оборону на пунктах боевого охранения, ведет поисково-разведывательную работу в труднодоступных горных районах, обеспечивает непосредственную огневую поддержку ведущим «бой» подразделениям.

(Окончание на 2-й стр.).

Машқда малака ортади

Жонкуяр офицер ва сафдош дўстларимнинг бегараз ёрдамлари жанговар, ижтимоий-сиёсий ва бошқа машғулотларда яхши натижаларга эришишимда асосий омил бўляпти. Тўғриси, армия мустақил ҳаётга қадам қўйишдаги илк имтиҳон экан. Бу имтиҳон келажак ҳаётимдаги паст-баланд йўлларни собитқадамлик билан босиб ўтишим учун йўлланмадир.

Фақат жисмоний ва маънавий баркамол инсон она-Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячиси бўла олади. Илгари вақтнинг қадрини билмасдим. Ҳарбий хизматга келгач, унинг нақадар азизлигини тушуниб етдим. Ҳозир тартиб-интизомга қатъий риоя этаяпман.

Айни пайтда қисмимизда ёзги мавсум ўқув машғулотлари қизғин паллада. Тажрибали офицерларимиз лейтенантлар А. Шодиев ва Б. Чориев хатоларимизни тузатиб, билмаганимизни ўргатиб боришмоқда. Улар, «машқда қийин бўлса, жангда осон кечади», деб доимо бизга уқтиришади. Сафдош дўстларим билан шу шиорга пухта амал қилиб, техника ва қурол-аслаҳалар сирларини мукаммал эгаллаяпмиз. Етук аскар бўлиш учун бор имкониятимизни ишга солиб, ҳаракат қиляпмиз.

Кичик сержант Б. ДАВРОНОВ.

● ЕШ ОФИЦЕРЛАР — ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Лейтенант Ёдгоровнинг сабоқлари

Отабек мактаб ўқитувчисининг ўғли бўлганидами, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича курсантлар билан ўтказиладиган ҳар бир машғулотга катта масъулият билан ёндашиб, уни мумкин қадар таъсирчан ўтказишга ҳаракат қиларди.

Бу гал ҳам одатидан оғишмади — мавзуни чуқур ўрганиб чиқди, билим юртида ёзган конспект дафтарларни кўтарди, етмаган маълумотларни қўшимча адабиётлардан излади. Яхшиям, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонмуҳандислик билим юртида бўлажак тарбиячи офицерликка тайёрланиш чоғида бунга асосий эътибор қаратган экан.

Ботаётган қуёшнинг қизил шафаги ҳам ёш офицерни дафтарлардан бош кўтаришига сабабчи бўла олмади — секингина хонага кирган ётоқхона навбатчиси чироқ ёқиб, яна чиқиб кетганини ҳам сезмади. Тўғри, курсант низомларга кўра киришдан олдин рухсат сўраши керак эди, лекин ўқув взводи командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лейтенант О. Едгоровга навбатдаги машққа тайёргарлик кўришига ҳалақит бергиси келмади.

Фақат взвод командири капитан Умар Исоқовнинг хонага кириб келишигина Отабекни курсидан кўтарди.

— Ҳалиям кетмабсанда, — бўлинма сардори овозида ёш хизматдошига нисбатан аянч аломатлари сезилгандай бўлди.— Жуда куюнчаксан-да, укам. Ишқилиб, бундай интилувчанлигинг вақтинчалик бўлмасин. Бориб, дамингни ол. Қолганини уй шароитида давом эттирасан.

Маслаҳат оҳангида айтилган буйруққа бўйсунмасликка илож қолмади — қоғозларини йиғиб олганидан сўнг, лейтенант командир билан хайрлашиб, офицерлар ётоқхонасига йўл олди. Тўғри, ўзининг хонасида тайёрланиши ҳам мумкин, ортиқча шовқинлар ҳам чалғитмайди. Аммо, шахсий таркибини эндигина ўрганиб келаётган ёш офицер курсантларни назаридан четлаштирмасликка ҳаракат қилгани ҳам тушунарли ҳол — бу ўзидаги масъулият юкини аниқ ҳис қилиши десак, муболаға қилмаймиз.

(Давоми 2-бетда).

РЕШЕНО СТАТЬ ОТЛИЧНИКАМИ

В зенитно-артиллерийском подразделении, где служит старший лейтенант Азизжон Карабаев, практически все воины с начала летнего периода обучения по всем воинским дисциплинам получают высокие оценки. За счет чего же они добиваются высоких результатов?

Прежде всего, наверное, потому, что здесь на первом месте стоят вопросы боевой учебы и повышения боевого мастерства. Кроме того, в данном подразделении ежемесячно подводятся итоги боевой учебы, анализируется, каких успехов добился тот или иной воин.

— Не будет ошибкой, если сказать, что наше подразделение уже второй месяц становится лидером боевой учебы только благодаря соревнованиям, которые здесь стали неотъемлемой частью, — говорит командир секции сержант Обид Гадоев. — Мы уверенной поступью идем к намеченным рубежам — стать отличниками и достойно встретить 11-ю годовщину независимости нашей страны.

Командир секции сержант Гадоев твердо заявляет так о своих планах, прежде всего опираясь на подчиненных-отличников рядовых Батыра Гулова (наводчик), Тохира Юлдашева (старший наводчик), Батыра Гулнева (номер расчета), Мурода Исраилова (водитель).

Что ж, пожелаем им успехов в достижении поставленных перед ними высоких рубежей.

Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.

Аскарликда чиниқди йигит

Аҳроржон онлада кенжа фарзанд. Опасига, акасига нисбатан эркароқ бўлиб ўсган. Шунинг учун ҳам ҳарбий хизматга чақирилганда Рустам ака ўғлига таҳбеҳ берди.

— Аҳроржон, армияда уйдагидек бемалол юриш йўқ. Югуриб-елиб хизмат қилиш, қийинчиликларни енгиб ўтиш керак. Бўлмаса ҳаммадан орқада қолиб кетасан.

Ҳақиқатан ҳам аскарликнинг илк кунлари — янгича яшаш тарзи, тартиб-интизомга кўникиш қийинроқ кечди. Уйдагиларни, қишлоқдош дўстларини соғинди. Аммо бир-икки ой муддат ўтгандан сўнг аҳвол ўзгарди. Сафдошлар билан гўё болаликдан бирга ўсгандек дўстлашиб кетди. Назарий ва амалий машғулотларда ҳам фаол иштирок эта бошлади. Бунинг сабабини Аҳроржоннинг ўзи қуйидагича изоҳлайди:

— Тўғриси, аввалига ҳарбий хизмат тўғрисида тасаввурим бошқачароқ эди. Аммо ёш аскарлар йиғини давомида шуни англаб етдим. Қай, бир аскар ўзи, сафдошлари олдидаги масъулиятни чуқурроқ ҳис қилса, белгиланган тартиб-интизомга қатъий риоя қилса, сафдошлари билан иноқ бўлса, ҳар қандай қийинчиликни ҳам енгиб ўтиши мумкин экан.

Қолаверса, қисмимизда аъло даражада хизмат қилиш, кўнгилдагидек дам олиш учун барча шароитлар яратилгани ҳам бизнинг аскарлик фаолиятимизда катта аҳамият касб этмоқда. Барча тайёргарликлар бўйича малакали устоз офицерлар сабоқ беришади. Билмаган нарсаларимизни яхшилаб ўргатиш билан чекланиб қолмай, билим ва тажрибамизни амалиётда, дала-ўқув машғулотларида қайта-қайта синовдан ўтказишади. Дам олиш кунлари доимо футбол, волейбол бўйича мусобақалар ўтказамиз. Қишин-ёзин бокс, теннис, гимнастика, оғир атлетика билан шуғулланиш учун ҳам имконият бор. Ҳатто, каттакон бассейн аскар ва офицерларга хизмат кўрсатмоқда. Шундай экан, бор куч-ғайратни ишга солиб, Низом талаби асосида хизмат қилмаслик мумкин эмас.

Мақтаниш эмас. Мен хизматга келиб йигит киши учун зарур бўлган кўплаб хислатларга эга бўлдим, чиниқдим. Аниқ мақсад, режалар асосида яшаш, хизмат қилишни ўргандим. Армиядан сўнг Фарғона Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ўқиш ниятим бор. Бир сўз билан айтганда, мен омадлиман. Ҳарбий хизмат давомида ўрганган сабоқлар менга келгуси ҳаётимда катта ёрдам беради.

Биз ҳарбийда обдан чиниққан алоқачи оддий аскар Аҳроржон Эргашевнинг кузги имтиҳонларда ҳам юксак натижаларни қўлга киритиб ёруғ юз билан қадрдон қишлоғига, отаонаси ҳузурига кириб боришига ишонамиз!

Гулмира ШУКУРОВА.

ПЛАНЕТЫ УЛЬС

Канцлер ФРГ Герхард Шредер в связи с неудавшимся покушением на президента Франции направил Жаку Шираку телеграмму. Как сообщает «Ди Белт», в ней канцлер выразил свое крайнее удивление по поводу произошедшего.

В то же время канцлер отметил, что ультраправый подтекст покушения свидетельствует о том, насколько опасен подобный экстремизм.

Попытка покушения на президента Франции была совершена во время парада в Париже в воскресенье.

***

Судебные приставы изъяли в понедельник копии документов, на основании которых национал-большевики разместили штаб-квартиру партии в подвале дома номер 7 на Второй Фрунзенской улице.

«Скорее всего, приставы не стали выкидывать нас прямо сейчас и ограничились копиями документов только из-за того, что в штаб-квартире собралось много журналистов», — заявил руководитель московского отделения Национал-большевистской партии (НБП) Анатолий Тишин.

Он высказал опасение, что членов партии выселят из штаб-квартиры ночью, когда там никого не будет. Кроме того, Тишин связывает грядущее выселение с арестом лидера НБП Эдуарда Лимонова и попытками закрыть газету партии. «Подавляется, все, что можно подавить», — сказал Тишин.

***

Московский арбитражный суд взыскал полмиллиона рублей в пользу «Микрософт» с компании, использовавшей нелицензионное программное обеспечение. Такое решение суд вынес в понедельник по иску известного производителя программных продуктов к столичной фирме «Армир».

Еще в декабре 2000 года по заявлению компании «Микрософт» столичное управление по борьбе с экономическими преступлениями провело проверку в офисе фирмы. Было установлено, что компания использует нелицензионные программные продукты. Теперь «Микрософт» через суд добился возмещения причиненного этим ущерба.

Данное решение может быть обжаловано в 30-дневный срок в апелляционной инстанции того же суда. Ранее «Микрософт» уже подавал аналогичные иски к ряду банков и компаний о выплате компании компенсации.

(По страницам Интернета).

Лейтенант Ёдгоровнинг сабоқлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Масъулият ҳиссини Отабек болалигидан ўзига сингдирган. У туғилиб ўсган Бухоро вилояти Пешку туманида жойлашган Гулкалон қишлоғида жисмоний тарбия бўйича мактаб ўқитувчиси Нарзи акани ҳамма танийди ва ҳурмат қилади. Тажрибали устоз кўпгина ўғил-қизларни нафақат жисмонан, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом бўлиб вояга етишига сабабчи бўлган. Отасининг айрим ўқувчилар билан дарсдан сўнг, бўш вақтида қўшимча шуғулланишини кўрган фарзанди, болаликдан олиб чиққан асосий таассуроти — танлаган касбингга бор меҳрингни қўйсанггина яхши натижага эришар экансан, деган фикр эди.

Нарзи аканинг ўғилларига форма ярашар экан — каттаси Улуғбек ҳозирда милиция сержанти, давлат автомобиль назоратида хизмат қилади, Отабек Марказий ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабида, Жамшид эса Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондон-муҳандислик билим юртида курсантлар взводи командири. Ҳа, айтмоқчи у катта лейтенант, акасидан бироз олдинда. Сабаби, Отабек биринчи ўринишида ўқишга кира олмади — мандатда тўплаган баллари етмади. Аммо, тақдирнинг синови ёш йигит қалбидаги ҳарбийликка бўлган меҳрни сўндира олмади — чунки Отабек муддатли хизматини Миллий гвардияда, фахрий қоровул бўлинмасида ўтаган эди.

Қишлоқ ўқитувчисининг уч ўғлидан фақат Отабекни танлаган касби отасиникига яқинроқ—у ҳарбий профессионалларни тарбиялашдек шарафли ва масъулиятли вазифани адо этмоқда. Президентимиз — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг бу борадаги гаплари — кимга ва нима учун хизмат қилаётганини билмаган профессионалнинг қадри йўқ дегани доимо унинг ёдида. Шунинг учун у қўл остидаги курсантларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда тинмай изланмоқда.

Лейтенант О. Ёдгоров билан биз Марказий ҳарбий округи ёш офицерлар йиғинида учрашгандик. Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Сейфат Сулаймонов қўл остидаги офицер тўғрисида илиқ фикр билдирди.

— Жуда меҳнаткаш, изланувчан йигит,— деди у.— Бизга келганига энди бир йилдан ошди, лекин шундай қисқа вақт ичида лейтенант Ёдгоров ўзидан тажрибали офицерлардан кўп нарсани ўрганиш билан чекланмай, билимларини ўзидан ёш хизматдошлари билан ўртоқлашади ҳам. Келажакда ундан умидимиз катта.

Суҳбатимиз чоғида офицер биринчи навбатда ёрдамчилари ҳақида ҳикоя қилди. Улардан разведкачиликка ўқиган курсант Дилмурод Тўхтасинов «Жанговар варақа»ларни безашда рассомчилик билан жамоада ном қозонган, сапёрликка ўқиган курсант Баҳодир Аббосов деворий газетага муҳаррирлик қилган, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари секция командирлигига тайинланган курсант Рифат Рўзиев эса ҳарбий жамоа кенгаши раиси сифатида маданий тадбирларни ўтказишга яқиндан ёрдам берган.

Ҳозирда улар ҳаммаси кичик сержант унвонига эга бўлиб, ўз жамоаларида хизматларини давом эттирмоқда. Лекин, ишончимиз комил, улар лейтенант Отабек Ёдгоровнинг берган сабоқларини ёдидан чиқармайди. Ва қўл остига келган йигитларни мустақил Ватанимизни ишончли ҳимоя қилишга, қасамёдига содиқ бўлишга ўргатган пайтларида устозининг берган билимларини уларга асқотишига аминмиз.

Майор А. КАМОЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Орзусига рўёб тиладик



Мансурбек Хоразм вилоятининг Янгибозор туманига қарашли Маданият ширкат хўжалигида камол топган. Ўрта мактабни тугатиб, олий ўқув юртига ҳужжат топширган йигитни омад бир оз четлаб ўтди. Аммо тушкунликка берилмаган йигит албатта келажакда ўқишни ният қилган ҳолда акасининг деҳқон фермер хўжалигида меҳнат қила бошлади. Бу орада соғлом ва бақувват Мансурбек тенгқурлари қатори Қуролли Кучларимиз сафига муддатли хизматга олинди. Ҳозирда у майор Э. Камолиддинов бошчилик қилаётган батальонда посбонлик бурчини адо этмоқда.

— Мен хизматим давомида замонавий ҳарб илмидан сабоқ олдим. Малакали устоз офицерлардан назарий ва амалий машғулотларда олган билимим ҳозирда жуда қўл келяпти, — дейди биз билан суҳбатда бўлиима командири кичик сержант Мансурбек Тўлиев. — Айниқса, взводимиз командири катта лейтенант Фурқат Йўлдошев етук посбон бўлиб етишишимда катта ҳисса қўшди. Бизнинг вазифамиз ҳозирда муҳим объектларни қўриқлаш, яъни жанговар постда туриш. Бу вазифа посбондан ўта сезгирлик, эпчиллик ва албатта ирода талаб этади. Дўстларим оддий аскарлар — Файзулло Абдуллаев, Иброҳим Шерматов ҳамда мен бошчилик қилаётган бўлинма йигитлари ўз вазифамизни намунали бажаришга доимо ҳаракат қиламиз.

Мансурбекнинг келажак орзуларидан бири — муддатли хизматни муваффақиятли якунлаб, ички ишлар академиясида таълим олиш. Орзуси эл тинчлиги йўлида хизматни давом эттириш бўлган кичик сержант Мансурбек Тўлиевнинг хизматларига омад, келажак орзуларига рўёб тиладик.

З. ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

К. ТУРАЕВ олган сурат.

● СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Лоқайд бўлмайлик

Эрталаб ҳам, тушликда ҳам, кечқурун ҳам овқатланаётган чоғимизда албатта овқатланиш қуроли бўлмиш қошиққа ишимиз тушади. Биз асосан ёғоч ёки темир қошиқлардан фойдаланамиз. Таъкидлаш керак, қошиқнинг хизмати таҳсинга лойиқ. Шу жойда бир гапни айтай, бизда ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам кўпинча палов қўл билан истеъмол қилинади. Нега? Бунда бир ҳикмат яширинган. Ошни қўлда есангиз, ошқозон уни ҳазм қилишга эртароқ тайёргарлигини бошлаб юборади. Майли, ҳозир гап бу ҳақида эмас. Биз сиз билан қошиқ ҳақида фикрлашмоқчимиз. Эҳтимол бу мавзу сизга ўта жўндек туюлар. Аммо жиддийроқ ўйлаб кўрсангиз, тагида кўп гаплар бор.

Хизмат сафарида бўлган чоғларимда, албатта, аскарлар ошхонасида ҳам бўламан. Жуда кўп ҳолларда коса-товоқлар, қошиқлар ювиладиган хонада темир қошиқларнинг дасталари қийшайтирилган ёки айлана қилиб ташланганларига кўзим тушади. Баъзан дастасининг ярми синдирилганлари ҳам учраб туради. Бу, албатта, баъзи бир аскарларимизнинг қошиққа нисбатан қўллаган «жанговар ҳаракатлари»нинг меваси.

Дейлик, аскарлар ошхонасида бир йўла икки юз посбон овқатланади. Демак, улар ана шу пайтда икки юз қошиқдан фойдаланишади. Аскарларнинг бир кунда уч марта овқатланишини ҳисобга олсак, икки юз қошиқ икки юз посбонга уч мартадан хизмат қилади. Улар орасида учта қошиққа қўпол муносабатда бўладиган бор деб ҳисобласак, бир кунда тўққизта қошиқ яроқсиз ҳолга келади. Бир ҳафтада-чи? Бир ойдачи? Энди бу ёғини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг. Битта қошиқнинг баҳосини тахминан 75 сўм дейлик. Учтаси 225 сўм бўлади, тўққизтаси 675 сўм. Қаранг, мана шу оддийгина ҳолат қанчалик катта иқтисодий зарарни келтириб чиқармоқда.

Мен ҳамма қисмларда ҳам қошиққа муносабат ёмон аҳволда, деган фикрдан йироқман. Лекин туруч орасида қурмак учраганидек, афсуски, баъзи жойларда юқорида баён этганимиздек ҳолатлар борлиги сир эмас.

Хўш, қадрли аскарлар, бу борада сиз нима дейсиз? Сиз хизмат қилаётган қисмда аскарларнинг ошхона жиҳозлари, идиш-товоқларга муносабати қандай? Шахсан ўзингиз бу борада қандай ишларни амалга ошираяпсиз?

Майор А. ОБРУЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ФИДОЙИЛИК НАМУНАЛАРИ

«Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деган эди Юртбошимиз. Бу сўзлар ҳар биримизнинг қалб шиоримизга айланган. Айниқса, Ватан посбонларига мазкур ҳикматли ибора ўзгача бир кайфият бахш этади. Негаки, қайноқ ёшлик чоғлари йигитлик бурчини рисоладагидек уддалашга имкон беради.

Истиқлолнинг 11 йиллигига қисмимизда катта тайёргарлик кўрилмоқда. Тарбиявий ишларни юксак даражага кўтаришда гуруҳ командири ўринбосари капитан Рашид Ҳайдаровнинг сиёсий масалаларни пухта билиши, кундалик ахборотлардан воқифлиги қўл келаётир. Шунингдек, офицерлардан катта лейтенант Мурод Курганов, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар — кичик сержантлар Шуҳрат Эргашев, Салим Ҳакимов, оддий аскар Одил Баратов назарий билим ва кўникмаларни тоғ шароитида синаб кўришда фидойилик намуналарини кўрсатишмоқда.

Ижтимоий-сиёсий, жисмоний ва жанговар тайёргарликлар бизнинг севимли машғулотимиздир. Тоғ шароитида эса бир кучга ўн куч қўшиш тақозо этилади. Офицер ва аскарларимиз буни чин юракдан ҳис қилишади.

Амалий машғулотларда қийин шароитларда жанг қилиш сир-асрорини пухта ўрганиб бормоқдамиз. Бу осон иш эмас, албатта. Энг аввало, жисмоний тайёргарлик, касб маҳоратлари тақозо этилади.

Ҳозирги кунда бутун диққат-эътиборимизни ўз жанговар малакамизни янада оширишга, замонавий техника сирларидан воқиф бўлишликка қаратганмиз. Ватан посбонларининг аъло хизмати эса — Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллик тўйига муносиб тўёна бўлиши шубҳасиздир.

Капитан Баҳодир КАЗАКОВ.

ОБЩИМИ УСИЛИЯМИ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).



В ходе учений боевая группа выпускника Чирчикского ВТКИУ лейтенанта Абдурасула Халилова получила ответственную задачу по уничтожению передового дозора «противника». Если в горных условиях отслеживание его движения не представляло большого труда, так как он под видом мирных жителей продвигался по узкой дороге в ущелье, то после выхода дозора на равнину и отследить, и своевременно уничтожить всадников было сложнее.

Командир группы в этой ситуации положился, прежде всего, на мастерство связиста младшего сержанта Хамида Боймуратова, через которого шло взаимодействие с основными силами, на меткость в ведении огня младшего сержанта А. Низомова и других подчиненных. Точный расчет и быстрое выдвижение группы на самый выгодный для открытия огня рубеж, терпение и выдержка, проявленные при ожидании условленного сигнала, искусство тщательной маскировки позволили группе не упустить дозор «противника».

Необходимо подчеркнуть, что в ходе выполнения этой задачи лейтенант Абдурасул Халилов **(на снимке)**, находясь на передней линии открытия огня, сам был примером как в соблюдении мер маскировки и подаче сигналов скрытого управления, так и в ведении меткого огня. Все обстрелянные им мишени упали после первой очереди.

Завершились очередные учения. Личный состав подразделений вернулся в места постоянного расположения. Конечно, наряду с успехами были у мотострелков и танкистов, артиллеристов и разведчиков промахи и неудачи. Но главное — они убедились в том, что могут успешно действовать по сигналам боевой готовности, надежно поражать хитрого и хорошо подготовленного «противника», успешно действовать как на равнине, так и в горных условиях.

Подполковник
В. КАЛОШИН.

Фото **К. ТУРАЕВА.**

Эзгу ниятга қўшиламиз

Қўриқлаш ва таъминот батальонида бўлиб, суткалик наряддан қайтган посбонлар билан суҳбатлашар эканмиз, уларни қоровулликда чарчаб, ҳориган бўлса керак, деган истиҳолага ҳам бордик. Йўқ, бу борада янглишган эканмиз. Руҳан тетик, дадил бу йигитлар ўз вазифаларини пухта эгаллашгани боис, унчамунча қийинчиликларни писанд этмасликлари кўриниб турарди.

— Мен Наманган вилоятининг Чуст шаҳриданман, — дейди суҳбатдошим оддий аскар Шерматжон Иброҳимов.

— Дунёга машҳур, санъат асари даражасида ясаладиган пичоқлар Чустда ясалади. Сиз ҳам бу ҳунарни яхшигина эгаллаган бўлсангиз керак, — қизиқиб сўрайман ундан.

— Йўқ, аммо отам Мухторжон ака Чустдаги пичоқсозлик заводида ишлайди. Мен ҳунар мактабида ҳайдовчилик касбини эгаллаганман.

— У муддатли хизматга қадар новвойчилик билан ҳам шуғулланган, — суҳбатга қўшилади чортоқлик оддий аскар Файзулло Абдуллаев.

Ҳа, йигитларимиз билан суҳбатлашсак, уларнинг барчаси маълум бир касб ва ҳунарга эга. Бир йигитга қирқ ҳунар оз, деб шуни айтишса, керак-да. Биз Шерматжон билан суҳбат давомида билдикки, у ўзи ҳақида кўпам мақтаб гапиришларини истамайди. Камтар ва камсуқум бу йигит хизматдаги барча дўстлари қатори ўқув марказида олти ой давомида ҳарб илмидан таълим олган. Полигондаги ўқув машғулоти синовларида олдинги сафларни эгаллаб келган. Агар посбонни кўзга кўрсатадиган асосий машқлардан бири жанговар қуроллардан нишонга бехато отиш бўлса, қаҳрамонимиз бу синов машғулотларида ҳам ўзини кўрсата олган. Ҳозирда қўриқлаш ва таъминот батальонида хизмат бурчини намунали ўтаётган оддий аскар Шерматжон Иброҳимов яна саноқли ойлардан сўнг муддатли хизматини тугатади. Бироқ, унинг мақсади сержантлар мактабида таълим олиб, ҳарбий соҳада хизматини давом эттириш. Отаси Мухторжон ака ва онаси Хатирахон опалар фарзандларининг бу мақсадига оқ йўл тилашлари, шубҳасиз. Биз ҳам бу эзгу ниятга қўшиламиз, албатта.

Зулфия НОСИРОВА.

Мотамга айланаёзган байрам

14 июль куни Франция халқи миллий байрам — Бастилия ишғол қилинган кунни катта шодиёналар билан нишонлади. 1789 йилнинг июлида француз халқи томонидан машҳур Бастилия қамоқхонаси забт этилгач, ушбу сана нафақат Франция, бутун Европа тарихида янги даврни бошлаб берди. Шу боис мазкур байрам Франциянинг ҳар бир фуқароси учун жуда қадрли ҳисобланади. Тантаналарнинг расмий қисми эса Париждаги Елисей майдонида ҳарбий парад билан ўтади.

Таассуфки, шу куни ҳарбий парад давомида нафақат француз халқини, балки бутун халқаро ҳамжамиятни қаттиқ ташвиш ва ҳаяжонга солган кўнгилсиз воқеа юз берди. Франция президенти Жак Ширак парадни қабул қилиб олиш учун ҳарбийларни кўриқдан ўтказаётган чоғи номаълум шахс гитара гилофига яшириб олган қуролини чиқариб, унга ўқ узмоқчи бўлди. Яхшики, ён атрофдаги одамлар ва полиция ходимлари қуролни бошқа томонга буриб юбориб, президентни хавфдан ҳоли этди.

Жиноятчи шу заҳотиёқ полициячилар томонидан ҳибсга олинди. Буни Париж полициясининг ҳам расман тасдиқлади.

Кейинчалик маълум бўлишича, қўлга олинган жиноятчи 26 ёшли экстремист Максим Брюнери айбини бўйнига олиб, қотилликдан кейин ўзини ўлдирмоқчи бўлганини ҳам айтган. Бироқ тергов пайтида берилган саволларга берган жавоблари пойинтар-сойинтар бўлгани учун мутахассислар уни тиббий кўрикдан ўтказиш лозимлигини таъкидламоқда.

Франция оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, Максим Брюнери Эссон вилоятидан бўлиб, ўта ўнгчилар ташкилотининг аъзосидир. У шунингдек, тақирбошлар (неофашистлар) гуруҳининг ҳам аъзоси. Мазкур воқеа сайёрамизнинг энг фаровон ва барқарор минтақаси ҳисобланган Европа ҳам бошқа жойлар каби экстремизм ва айирмачилик кайфиятидаги кучлар хавфидан ҳоли эмаслигини яна бир кўрсатди.

Умуман, Франция халқи тарихда кўп бор мамлакат раҳбарига уюштирилган суиқасдларнинг гувоҳи бўлган. Масалан, Шарл де Голлнинг ўзи беш марта қотил ўқидан омон қолган. Олисроқ тарихга назар ташланса, 1894 йили Леон шаҳрида келиб чиқиши италиялик бўлган анархист Казерио томонидан президент Сади Карно отиб ўлдирилган эди. 1932 йили эса президент Пол Демур россиялик муҳожир Горгуловнинг ўқидан ҳалок бўлган.

Бу кўнгилсизликка қарамай, Елисей майдонидаги ҳарбий парад кўтаринки руҳда ўтди. Президент Жак Ширак ватандошларини миллий байрам билан қутлаб, нутқ сўзлади.

С. РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Ҳарбий Техника Янгиликлари

ИТАЛИЯ: «БЕРНАРДЕЛЛИ» Р-018 ТЎППОНЧАСИ

«Бернарделли» Р-018 тўппончаси замонавий конструкцияси ва яхши тавсифига кўра юксак самарали бўлиб, нисбатан янги жанговар қурол ҳисобланади. Унинг асосий хусусиятлари ушбулардан иборат: тўлиқ пўлат рамка, уриб-қўйиб юборувчи механизми ўзи ўқланадиган режимли, ўқдони икки қаторли, унга 15 патрон жойлашади.

ТАВСИФИ:

Патрони — 9Х19 мм.
Ўқдон сиғими — 15 патрон.
Оғирлиги (ўқсиз) — 998 г.
Қуролнинг узунлиги — 213 мм.
Стволнинг узунлиги — 122 мм.

Суратда: «Бернаделли» Р-018 тўппончаси.



Суратда: 62 моделидаги яхлит пулемёт станоги.

ЯПОНИЯ: 62 МОДЕЛИДАГИ ЯХЛИТ ПУЛЕМЕТ

Ушбу пулемёт 9 М пулемётининг модернизация қилинган шакли бўлиб, унинг газ камераси ва поршени ствол остида жойлашган. Ўқ отилгач, порох газларининг бир қисми газ тешикчалари орқали ўтади ва поршенни орқага суради. Затворнинг олд қисми дастлаб пастга тушади, сўнгра эса орқага силжийди.

Гильзани чиқариб ташлаш механизмида итқитиш-ушловчи йўқ, ўқни жойловчи пружина ости акс эттирувчи ричаги мавжуд. Затвор орқага тортилганда гильза суғурилиб чиқади ва сўнгра акс эттирувчига тиралиб, ташқарига чиқариб ташланади.

Ўқнинг стволга жойланиш тизими затвор ричагининг олдинга сурилиши билан бирга амалга оширилади. Лента сурилиши затворнинг олдинга ва орқага ҳаракат қилиши билан мос равишда икки босқичда бўлади.

Ствол фиксатори ствол қутиси қопқоғини кўтарганда ҳоли ҳолатга келади, Пулемётни кўтариб юриш ручкаси бураб олингачгина стволни олдинга суриб чиқариб олиш мумкин. Стволсиз ҳолатда пулемётдан отиш мумкин эмас.

ТАВСИФИ:

Патрони — 7,62Х51 мм
Ишлаш принципи — порох газларининг бир қисмини чиқариш асосида
Истеъмоли — бўлакларга ажратиладиган звеноли лента.
Қуролнинг оғирлиги — 10,7 кг.
Пулемётнинг узунлиги (қўндоғи билан)—1200 мм.
Стволнинг узунлиги — 524 мм.
Ўқнинг бирламчи учиш тезлиги — 855 м/с.
Отиш темпи — 600 бир минутда.

Военно-политические новости

ОТКАЗАЛИСЬ

Военно-промышленный концерн «Сухой» не будет отправлять истребитель Су-30МК на авиасалон в Великобританию (22—28 июля). Как заявил сегодня представитель АВПК «Сухой», фирма планировала продемонстрировать свою новинку на авиасалоне, но решила отказаться от своего намерения из-за угрозы ареста самолета по иску швейцарской фирмы «Нога».

ҚУРОЛЛАНГАН УЧУВЧИЛАР

АҚШ конгрессининг Вакиллар палатаси фуқаро самолётларини бошқарувчи учувчиларни ўқотар қурол билан таъминлашга рухсат берувчи қонун лойиҳасини маъқуллади. Ҳужжатда айтилишича, бунинг учун учувчилар қуролдан фойдаланиш курсларида таҳсил олиши лозим бўлади.

Мутахассисларнинг айтишича, мазкур лойиҳа қонунга айланиши йўлида жиддий тўсиқлар пайдо бўлиши аниқ. Негаки, Оқ уй вакиллари фуқаро авиацияси учувчиларини қурол билан таъминлаш фикрига қарши эканини илгари ҳам маълум қилган эди.

ПОДОЗРЕВАЕМЫЙ АРЕСТОВАН

Сотрудники правоохранительных органов второго по величине португальского города Опорто арестовали мужчину, подозреваемого в причастности к организованной преступной группировке, специализировавшейся на контрабанде обогащённого урана из стран Восточной Европы. Арест был произведен после расследования, начатого по запросу французских правоохранительных органов, которым летом прошлого года так же удалось задержать троих человек, занимавшихся контрабандой радиоактивных веществ.

ВНЕСУТ ИЗМЕНЕНИЯ

После несчастного случая, произошедшего при показательной стрельбе из установки «Смерч» на выставке «Рашн Экспо Армс-2002», в инструкцию по эксплуатации реактивной системы будут внесены изменения. Об этом сообщили в пресс-службе ФГУП «Нижнетагильский институт испытания металлов».

Соответствующие документы будут направлены в Министерство обороны России в ближайшее время.

ЖЕРТВ НЕТ

В центре Грозного боевики обстреляли в понедельник колонну федеральных сил, двигавшуюся по Старопромысловскому шоссе. Как сообщили в военной комендатуре, огонь велся со стороны завода «Красный молот» из автоматов и гранатометов.

Военнослужащие открыли ответный огонь. Перестрелка продолжалась около 15 минут. В военной комендатуре подчеркнули, что, по предварительной информации, жертв и пострадавших среди военнослужащих нет. В районе обстрела проводятся оперативно-поисковые мероприятия. Местность оцеплена.

БЫЛИ ПОД СЛЕДСТВИЕМ, НО...

Итальянская полиция арестовала девятерых подозреваемых в материальной и технической поддержке, а также в обеспечении фальшивыми документами членов террористической сети «Аль-Канда».

Как сообщил представитель полиции Милана, мужчины (предположительно выходцы из Северной Африки) были арестованы. В прошлом году некоторые из арестованных были в Италии под следствием по делу о предоставлении фальшивых удостоверений личности террористам-смертникам, осуществившим теракты 11 сентября.

ПРОВОДЯТ СПЕЦОПЕРАЦИЮ

Федеральные силы проводят спецоперацию по поиску боевиков и оружия в населенных пунктах Серженьюрт и Автуры Шалинского района Чечни. Как заявил заместитель главы районной администрации Абдула Сашиев, въезд и выезд из сел ограничены. Однако, по его словам, «вопреки общественной практике местным жителям, имеющим прописку, разрешается входить в населенный пункт и покидать его». Сашиев отметил, что проверки паспортного режима носят адресный характер, и в них участвуют представители администрации. Жалоб со стороны населения на действия военных не поступало.

(По страницам Интернета).

● 2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

Фахрийлар «жанги»

Шанба куни «Пахтакор» стадиони қошидаги Шахматчилар клуби одатдагидан ҳам одамлар билан гавжум бўлди. Ёшларга қараганда бу ерда оппоқ соқолли отахонлар, юзларидан нур ёғилиб турган онахонлар кўпроқ эди.

— Ҳозир жанг бошланади, — деди Акром ака.

— Қанақа жанг? — деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Фахрийлар ўртасида шахмат бўйича Республика саккизинчи биринчилигига старт берилади.

— Акром ака, республикамизда кекса шахматчилар ҳам анчагина экан-да?

— Э, нима деяпсиз?! Булар ҳаммаси эмас. Финалга чиққанлари; холос.

Тошкентлик энг кекса иштирокчимиз, бобо десак ҳам бўлади, Улуғбек ота Каримов бу йил саксон ёшни қаршиладилар. Андижонлик Эркин Каримов билан термизлик Арслон Матқодировлар етмиш ёшдалар. Лекин шахмат доскаси устида жангга киришиб, дона суришса борми, паҳлавон йигит бўлиб кетишади.

Биринчилик учун йигирма тўрт фахриймиз дона суришади, улар орасида аёл шахматчиларимиз ҳам бор. Биринчи ўринни олган ягона голибимиз кузда Германияда ўтказиладиган шахмат бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон биринчилигида республикамиз шарафини ҳимоя қилади. Биринчи, иккинчи, учинчи ўринни эгаллаганлар кучлилар ўртасида ўтказиладиган республика биринчилигининг иштирокчисига айланишади.

Жангга киришаётганлар орасида учта шахмат устаси, иккита шахмат усталигига номзод ва бир нечта биринчи тоифали шахматчилар бор.

Ҳали жанг бошланмасдан олдин мусобақа иштирокчиси Эркин Каримовни суҳбатга тортдим.

— Ўглим, — дея гап бошлади отахон. — Мен жуда ёшлигимдан шахмат ўйнаб келяпман. Шахматни спорт ҳам дейишимиз мумкин, шахматни санъат ҳам дейишимиз мумкин. Шахмат ўйнаган кишининг ақли пешланади, маънавий ҳордиқ чиқаради. Шу ёшга кириб кўрган эмасман, шахмат ўйнаган киши бировга ёмонлик қилганмас. Менинг тўққизта фарзандим бор, ҳаммасига шахмат ўйнашни ўргатганман. Ҳозир барчаси оилали, болали-чақали. Меҳмонга борсам, албатта, дона суришаман. Баъзилари мендан зўр, ютишади. Гап кимнинг голиб чиқишида эмас. Шуни яхши билингки, фарзандларимизга шахмат ўйнашни ўргатсак, бу ўйин уларнинг ҳаётда тўғри йўлни топишларида асқотади.

Ҳаётимда кўп мусобақаларда иштирок этганман. Голиб бўлган чоғларим ҳам бўлган. Лекин бир воқеа ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Жаҳоннинг энг кучли шахматчиларидан бири А. Корчной билан дона суришганман ва, биласизми, ютганман.

— Ҳафа бўлманг-у, сизда нбр нарсан сўрамоқчмт?сдан бир нарсани сўрамоқчиман.

— Сўранг, отахон.

— Шахмат ўйнашни биласизми?

— Биламан.

— Демак, сиз билан бир дона суришсак бўлар экан-да.

— Мусобақаларни тугатиб олинг, кейин учрашамиз.

Судьялар Акром Тошхўжаев билан Маҳмуд Юнусовлар қуръага кўра, кимким билан биринчи бўлиб дона суришишларини эълон қилишди. Шундай қилиб, фахрийлар ўртасида шахмат бўйича республика биринчилиги бошланди. Фахрийлар ўртасида жанг бир ҳафта давом этади.

Бундай нуфузли мусобақани ўтказишга Ўзбекистон Республикаси спорт қўмитаси, Республика шахмат федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Республика «Нуроний» жамғармаси ҳомийлик қилишяпти.

Майор А. ОБРУЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

„Яшил шаҳар“ яшармоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

белгиланган таъмирлаш ишларининг 30 фоизи бажарилди. Обидалар таъмирини шу йилнинг 1 сентябригача тўлиқ тугаллаш мўлжалланган.

«Дорут—тиловат» мажмуасига кирувчи Кўкгумбаз масжидини таъмирлаш ишларида фаол қатнашаётган Шаҳрисабздаги «Мерос» устахонасининг бир гуруҳ усталари билан суҳбатда бўлдик.

— Шундай қадимий шаҳримиз, ноёб тарихий обидаларимиз бор экан-у шу пайтгача бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эканмиз, нари борса, бир ҳовуч фотиҳа ўқиб юраверган эканмиз. Истиқлол шарофати, Президентимизнинг фидойилиги, мунтазам эътибори туфайли биз оддий усталарга ҳам шундай улуғ ишларга ҳисса қўшиш, не-не боболаримиз руҳини чинакамига шод этиш бахти насиб этди. Қолаверса, Шаҳрисабздаги бу тарихий обидалар бутун инсоният мулки. Уни келгуси авлодларга асраб-авайлаб етказиш ҳар биримизнинг инсоний ва ватанпарварлик бурчимиздир, дейишди улар.

Ҳозир Шаҳрисабзда нафақат тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, балки бутун шаҳар бўйлаб, айниқса шаҳар марказидаги Соҳибқирон номи билан аталувчи Бош майдонда қайта қуриш ва ободонлаштириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бу ерда вилоятдаги бир неча қурилиш ташкилоти иштирок этяпти. Жами 550 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Булардан ташқари аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлашни янада яхшилаш, алоқа, транспорт, соғлиқни сақлаш, коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият бериляпти. Темир йўл бекати, «Шаҳрисабз» меҳмонхонасини таъмирлаш, Хелак каналининг шаҳар ҳудудидан ўтувчи қисмида қайта таъмирлаш ишларини бажариш, шаҳар марказига элтувчи ва айланма йўлни кенгайтириш, шунингдек, 1200 ўринли амфитеатр қуриш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Барча эътибор белгиланган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириб, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйига муносиб тўёна тайёрлашга қаратилган.

Б. МАНСУРОВ,
А. ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбирлари.

„Зурак момо“ топилдиқлари

Олтиариқ туманидаги «Зурак момо» археологик ёдгорлиги водий деҳқончилик маданиятига оид энг қадимий манзилгоҳ ҳисобланади. Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи археологлари бу ерда икки йилдан бери қазиш ишлари олиб бормоқда. Бу вақт оралиғида манзилгоҳдан бир нечта тарихий-маданий ёдгорликлар топилди.

Бу йилги археологик тадқиқотлар ҳам ўз самарасини берди. Қадимшунослар «Зурак момо» ёдгорлигидан эрамизнинг I—II асрларига оид бир нечта сопол хум, йирик сув идишлари, ноёб уй-рўзғор буюмлари, танга ва тақинчоқлар топишди. Бу ерни фақат қадимий манзилгоҳ сифатида ўрганаётган мутахассислар тарихий аҳамиятга молик бўлган янгиликни кашф қилди. Уларнинг фикрича, қадимда бу ерда катта қўрғон ҳам бўлган. Қазиш ишлари давомида қўрғоннинг шарқий мудофаа деворлари қолдиги топилди.

— «Зурак момо» археологик ёдгорлигидан топилган ноёб буюмлар, осориатиқалар музейимиз тарих бўлими экспонатларини янада бойитди, — дейди музей директори Баҳодир Ҳошимов ЎзА мубирига. — Ушбу ёдгорлик ўлкамиз халқлари тарихи, маданияти, урф-одатларини ёшларга етказишда ноёб манбаа бўлиб хизмат қилади. «Зурак момо» археологик ёдгорлигининг ҳали очилмаган қирралари, сир-синоатлари кўп. Уни ўрганиш, тадқиқ қилиш давом этмоқда.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.



Юртимиз азалдан тарихий обидаларга бой. Йўлингиз тушса, бир Самарқанд томонларга ўтинг. Бундан бир неча аср илгари буюк боболаримиз қурдирган бинолар кўкка бўй чўзиб турибди. Ёки Бухоро шаҳрига қадам ранжида этинг. Жуда-жуда қадимги иншоотлар худди куни кеча қурилгандек. Қадимги ва навқирон Хоразмда ҳам шундай манзарага дуч келасиз.

Мустақилликка эришгунимизгача бўлган давр ичида халқимиз билан биргаликда тарихий обидаларимиз ҳам озор чекди, оёқ ости қилинди. Истиқлол халқимизнинг қаддини тиклади. Тарихий обидаларимизнинг кўркига кўрк қўшилянти. Бунёдкор халқимизнинг умри узун бўлгай, барпо этаётган бинолари асрлар билан тенглашади.

● В ТВОРЧЕСКИХ МАСТЕРСКИХ

ВИРТУОЗНО ВЛАДЕЯ КИСТЬЮ

Художника Шамахмуда Мухамеджанова хорошо знают многие военнослужащие. Он — частый и желанный гость в частях и подразделениях. Созданные им произведения миниатюрной живописи вызывают невольный восторг у почитателей его таланта.

— Я и мои сослуживцы с удовольствием и большим интересом познакомились с творчеством Шамахмуда Мухамеджанова,— рассказывает младший сержант Ш. Даврон.— Нам кажется, создавая миниатюры, он вновь и вновь перевоплощается, почти наяву переносится в далекие эпохи. То он становится Бехзодом, то ведет беседы с великим мыслителем и поэтом Навои в райских кущах со сказочными птицами. Как должен быть счастлив человек, обладающий таким талантом!

К Ш. Мухамеджанову рано пришло признание. Уже в 35 лет за серию работ, возрождающих традиции книжной иллюстрации и миниатюрной живописи, он стал лауреатом Государственной премии. Избран действительным членом Академии художеств Узбекистана, удостоен золотой медали этой организации. В Указе Президента нашей республики И. А. Каримова о награждении в связи с 10-летием независимости страны его фамилия была в первых строках.

...35 лет назад в кабинет Х. Сулейманова — директора Института рукописей Академии наук Узбекистана — вошел 13-летний паренек. Он робко поздоровался и, смущаясь, протянул стопку бумаг;

— Мои иллюстрации к «Хамсе»...

Это были виртуозно написанные рисунки. Ученый долго рассматривал их. Особенно ему понравились тонко созданные образы Лейлы и Меджнуна — бессмертные образы Навои. Долго не раздумывая, академик повез мальчика к своему другу — художнику Ч. Ахмарову.

Далее события развивались как в сказке. Юному художнику разрешили посещать Институт рукописей. Словно по велению волшебной палочки определилась его дальнейшая судьба, открылся доступ в святая святых — хранилище древних книг. Разве мог об этом мечтать мальчишка?

Потом он поступит в художественное училище, блестяще закончит институт. Ему нравилось изучать прошлое страны не только по учебникам истории, а еще и по подлинникам древних летописцев.

Особенно увлекала Шамахмуда эпоха Темуридов. В тиши хранилищ читал он свидетельства очевидцев о том, что именно благодаря Темуру в Мавароуннахре возродилась миниатюра, из всех походов он привозил в свою стремительно развивающуюся империю лучших мастеров — зодчих, керамистов, инженеров. Были среди них и замечательные книжники.

Параллельно Шамахмуд оттачивал мастерство. Много и вдохновенно рисовал. Каждую свою миниатюру доводил до совершенства.

Х. Сулейманов и Ч. Ахмаров сразу увидели в нем художника. И они стали его духовными наставниками, взяли шогиртом — учеником. Сулейманов сам учил его фарси, привил качества неутомимого исследователя. Подолгу рассказывал об истории миниатюры. Ахмаров учил виртуозно владеть кистью и пером. И их старания, как мы видим теперь, не пропали даром.

В 1991 году художник побывал в США. Полгода он стажировался в знаменитом Метрополитен-музее, где особенно богаты разделы, посвященные древневосточному искусству. Американцы признали дарование Шамахмуда. Они предоставили ему возможность изучить величайшие подлинники — «Бобурнаме» с миниатюрами самого Бехзода, другие старинные фолианты.

В Америке Ш. Мухамеджанов организовал выставки в нескольких городах. Своими миниатюрами он очаровал не только жителей Нового Света, он достойно представлял нашу страну в Германии, Турции, Ираке.

Чингиз Ахмаров как-то сказал о своем ученике: «Сколько на небе звезд — столько на свете миниатюристов, но этот художник — в десятке самых ярких светил!». И с этим нельзя не согласиться. Потому что так считал не только он, такого же мнения все почитатели его таланта, в том числе и воины Вооруженных Сил.

С. БУДАЕВ,
корр. «Ватанпарвар».

Ўз касбини муқаддас билиб

Кўнгилга беихтиёр қўр қув соладиган «реанимация» сўзини Муқаддасхон илк бор саккиз ёшида ҳижжалаб ўқиган. Оғир аҳволда ётган ойижонисининг олдига тез-тез кириб-чиқиб турган оқ либосли врачларга, ҳамшираларга кўзда ёш билан термулиб ўтирганларини ҳамон хотирлайди. Ахир айнан ўшанда мурғак қалби жунбушга келган, у энг қийин лаҳзаларда мададга келувчи шифокор бўлишни жуда-жуда орзу қилган эди-да.

Шу воқеадан роппа-роса ўн йил ўтиб, орзуманд қиз Гулистон тиббиёт техникумига ўқишга кирганда Норқўзи ака ва Мақсумахон ая мамнун жилмайишди: «Доим орзу-ниятларингга етиб юргин, қизим».

Муқаддасхон ўқиш билан бирга вилоят марказий касалхонасининг болалик хотирасида муҳрланиб қолган ўша реанимация — жонлантириш ва оғриқсизлантириш бўлимида ҳамшира бўлиб ишлай бошлади. Тиниб-тинчимас, ўта куюнчак, одамлар билан тезда тил топишиб кетадиган бўлгани учун янги шароитга тез мослашди. Кечаю кундуз бедорлик, ҳушёрлик ҳукм сурадиган, инсон ҳаёти учун доимий кураш давом этадиган энг масъулиятли, муҳим нуқтанинг ўз кишисига айланди.

Айни ўша йиллари тажрибали шифокорлар билан ҳамкорликда ишлаш жараёнида бу бўлимда ҳар бир нарса: бир оғиз ширин сўз, оддийгина қўл ҳаракати ҳам катта аҳамият касб этишини юрак-юрагидан англаб етган. Ота-она, фарзанд, энг яқин кишисида ожиз қолган онларда умидвор инсон дардига малҳам бўлишдан фахрланиш туйғуси шифокорга қўшимча кучқувват, мадор беришини ҳам сезган.

Мақоламиз қаҳрамонининг Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий клиник госпиталнинг жонлантириш ва оғриқсизлантириш бўлимида хизмат бошлаганига ҳам мана саккиз йилдан ошди. Аввалига ҳамшира-анестезиолог эди. Ўз касбини чексиз севиши, ёш ҳамширалар танловида голиб чиққани, қолаверса, дала-ўқув машғулотларида юксак касбий малакасини намойиш этганлиги учун уни тантанали суратда шартнома бўйича ҳарбий хизматга қабул қилишган. Ушанда тарбиячи-офицер бўлмиш турмуш ўртоғи Шуҳрат Холмуҳаммедов, айниқса, ҳарбий врачликдан истеъфога чиққан поччаси Зокир ака чексиз қувониб «сафимиз кенгаймоқда», дейишган.

Табиийки, ҳарбий либос кийганидан сўнг масъулият, талаб бир неча баробар ошди. Кўп соатлаб реанимация столи атрофида тик туриш, беморни ухлатиш, ҳушига келтириш, оғриққа қарши муолажалар, қон босимини ўлчаш, қон қуйиш, томирга укол қилиш каби мураккаб ишлар уни асло толиқтириб қўйгани йўқ. Қайтага янада ихлос билан хизмат бурчини адо эта бошлади. Командирларнинг назарига тушди. Юксак ишонч билдириб, унга бўлим катта ҳамширалигини ишониб топширишди. Муқаддасхон йигирмадан зиёд сафдошларига бошчилик қила бошлади. Энди реанимация столи атрофида турмаса-да, тегишли муолажалар, шарт-шароит, доридармон, беморларнинг даволаниш босқичлари учун масъул эди.

У бир неча йил давомида вазифасини муносиб даражада уддалади. Ўзининг ташкилотчилиги, кўпчилик билан ишлай олишини намойиш этиб, жамоада катта ҳурмат-эътибор қозонди. Аммо, бевосита беморлар билан ишлашга бўлган катта иштиёқ, қизиқиш барибир устун келди. Вугунги кунда шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Муқаддасхон Холмуҳаммедова яна олдинги сафда. Бор кучи, имконияти, меҳрини беморларга армуғон этаяпти у.

Муқаддасхон ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг жамоат ишларида, ҳарбий жамоада бўлиб ўтадиган байрам ва тантаналарда фаол иштирок этишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Қизиғи шундаки, у бирор бир тўгаракда қатнашиб, рақс, кўшиқ, мусиқа бўйича сабоқ олмаган. Аммо унинг ижросидаги турфа рақсларни томоша қилган, ўнлаб қўшиқларини тинглаган, шунингдек, берилиб пианино чалаётганига гувоҳ бўлган одам бирорта санъат билим юртини битирган, дейиши аниқ. Қолаверса, госпиталда анъанавий ўтказиб келинаётган ҳамширалар танловининг бошловчиси ҳам унинг ўзи.

Ана, хизмат ташвишлари, қийинчиликларини нозик елкаларига ортган аёл тунги навбатчиликдан ҳориб-чарчаб уйига шошмоқда. Уйида эса осойишталик, сокинлик ҳукмрон. Ўн бир ёшли Фаррухбек, етти ёшли Суннатилло тўполон қилмай, уйларни ўзлари йиғиштириб, супириб-сидириб, китоб ўқиб ўтирган бўлишади. Ахир азаматлар бугун ойижониси оз бўлса-да дам олиши зарурлигини, ширин-шакар пиширқлар эртага тайёрланишини, адажонлари эса Қуролли Кучлар академияси битириш имтиҳонларига ҳозирлик кўриши шартлигини жуда яхши билишади.

Фарзандлари тўғрисида сўраганимда, Муқаддасхоннинг кўзлари порлаб кетади.

— Фаррухбегим ҳозирдан ҳарбий бўлишни орзу қилмоқда. Ўзини жисмоний томондан чиниқтиряпти. Спортнинг таэквандо тури бўйича яшил белбог соҳиби. Суннатиллонинг юриш-туриши, ўйинларини кўрган одам «бу албатта врач бўлади», деган фикрга келади, — дейди фахр билан суҳбатдошим. — Фарзандларим ҳалол, ўқимишли, етук малакага эга инсонлар бўлиб камолга етишини истайман. Барча инсонлар, юртимиз, тинчлигимиз посбонлари доим соғ-саломат бўлишсин, орзу умидлари рўёбга чиқсин!

Орзу-умидларига эришиб, доим эзгуликни кўзлаб яшаётган кичик сержант Муқаддасхон Холмуҳаммедова билан хайрлашар эканман, орамизда шундай фидойи инсонлар, шафқат ҳамширалари борлигидан жуда қувондим.

Капитан А. УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси ўзбек халқининг юксак маънавий фазилатларини, қадриятларини камол топтириш, миллий эстрада санъатини ривожлантириш, эстрада санъати усталарининг ижодий ютуқларини тарғиб этиш ва изланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Олтин ҳумо» мукофотини таъсис этди.

Мукофот учун эълон қилинган танловда мамлакатимизнинг барча профессионал эстрада жамоалари, яккахон хонандалар, бастакор ва шоирлар билан бирга ўзбекча, қорақалпоқча қўшиқлар ижро этувчи чет эллик хонандалар ҳам иштирок этиши мумкин. Танловда, шунингдек, саҳналаштирувчи режиссёрлар, оранжировка усталари, овоз ёзиш режиссёрлари, эстрада соҳасида ижод қилаётган рассом-модельерлар ҳам қатнашиши кўзда тутилган. Мукофот ўн икки номинация бўйича берилади.

«Олтин ҳумо» тақдимоти шу йил 15 сентябрда «Туркистон» саройида ўтказилади.

(ЎзА).

САНЪАТКОРЛАР ТУҲФАСИ

Китоб тумани маданият бўлими қошидаги «Садо» ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари дала-ўқув машғулотларида қатнашаётган ҳарбийларга ўзлари тайёрлаб келган концерт дастурини намойиш этишди. Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳар ва туманларида, Франция, Германия каби хорижий мамлакатларда ўз санъатини муносиб даражада намойиш этган, бир неча марта республика кўрик-танловлари голиби бўлган мазкур бадиий жамоа аъзоларининг чиқишлари ҳеч кимни бефарқ қолдиргани йўқ. Айниқса, хонандалар — Азамат Номозов, Ҳамидулла Неъматов, Ҳамдам Хушбахтов куйлаган шўх қўшиқлар, Дилрабо Равшанова ижро этган жозибали рақслар томошабинларнинг катта олқишига сазовор бўлди.

Майор Б. БОЛТАЕВ,
Қаршн гарнизони.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Индонезия президентининг нуфузли «соя»си

Снёсий саҳнада катта ютуқларга эришган эркаклларнинг рафиқалари қандай ҳаёт кечириши кўпчиликка яхши маълум. Аксарият ҳолларда бундай аёллар снёсатдан йироқ юриб, асосий эътиборни фарзандларининг тарбиясига қаратади ёки қандайдир бошқа бир енгилроқ иш билан шуғулланади. Лекин снёсат билан фақатгина эркаклар шуғулланмайди-ку. Бу соҳада юқори чўққиларни забт этган аёллар ҳам талайгина. Уларнинг жуфти ҳалоллари нелар билан машғул?

Дунёнинг энг йирик давлатларидан бири ҳисобланувчи Индонезия мана, бир неча йилки, аёл киши раҳбарлигида ҳаёт кечирмоқда. Бу вақт мобайнида оламшумул ўзгаришлар юз бермаган бўлса-да, ҳар ҳолда вазият бир оз барқарорлашди, иқтисоднёт оёққа тура бошлади. Мамлакат президенти Мегавати Сукарнопутри халқ орасида қозонган ишончини секин-аста мустаҳкамлаб бормоқда. Бу эса ўз-ўзидан президентнинг «ишонган боғи, суянган тоғи» бўлмиш эри Тавфиқ Кимаснинг обрў-эътибори янада ошди, деганидир.

Агар ҳозир Индонезияга бориб, мамлакатингиз раҳбари ким, деб сўрасангиз, аксарият одамлар Мегавати Сукарнопутри билан бирга, унинг турмуш ўртоғини ҳам айтади. Негаки, ҳозирги президент билан қариб ўттиз йилдан буён бирга яшаб келаётган Т. Кимас ўз рафиқасининг снёсат саҳнасига келишида ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Айни пайтда эса у Индонезия президентининг «соясн» остида бўлса-да, баъзи гап-сўзларга қараганда, мамлакатдаги бирор муҳим қарор унинг розилигисиз қабул қилинмайди, дейилади АҚШда чоп этилувчи «Тайм» ҳафтаномасида эълон қилинган мақолада.

Президентлик курсисига ўтирган кундан бошлабоқ Индонезия раҳбари мамлакатда коррупцияга қарши жиддий кураш бошлашини эълон қилди ва бу йўлда анчагина муваффақият қозонди. Бироқ охирги пайтда президентнинг турмуш ўртоғи давлат ишларига аралашаётгани тўғрисидаги гап-сўзлар мамлакатдаги нуфузли ташкилотлар ва арбоблар орасида турлича мулоҳазалар келтириб чиқара бошлади.

Турмуш ўртоғининг тобора очилиб бораётган иштаҳаси бир оз бўғиб қўйилмаса, вазият идан чиқишини тушунган Мегавати хоним яқиндан буён унинг талабларини чеклай бошлади. Бунга ҳукуматдаги жуда муҳим лавозимлардан бирига Т. Кимас томонидан тавсия қилинган одам эмас, балки президентнинг сафдоши тайинланганн яққол мисол бўла олади.

«Тайм» журналининг ёзишича, ҳатто Т. Кимаснинг энг яқин дўстлари ҳам унинг кўнглида қандай режалар борлигини билмайди. Устига устак, президентнинг турмуш ўртоғи кўп ҳолларда атрофдагиларга ўзининг қандай катта таъсир доирасига эга эканини кўрсатиш учун ҳар қандай ақл бовар қилмас ишга қўл уришдан ҳам тоймайди. Лекин шу билан бирга унинг жуда ақлли ва тиришқоқ инсон эканлигига ҳам кўпчилик тан беради.

Америкалик журналистлар билан бўлган суҳбати давомида Т. Кимас баъзи ҳолларда зиддиятли масалаларни ҳал қилишда снёсий воситачи сифатида хизмат қилишини айтди. Ўз обрўси орқали бойлик орттираётгани ҳақидаги гап-сўзларни эса бутунлай рад этди.

Коррупцияга қарши курашиш мақсадида ташкил этилган назорат органи вакилларидан бирининг айтишича, Сухарто раҳбарлик қилган пайтлари деярли барча молиявий ишлар ҳужжатлаштирилар эди. Шу сабабли собиқ президент ва унинг оила аъзолари томонидан қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш анча осон кечган. Ҳозир эса барча ишлар очиқ-ойдин амалга оширилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан катта маблағлар билан боғлиқ операцияларни тергов қилишни ниҳоятда қийинлаштиради. Бундан ташқари, Т. Кимас деярли ҳеч қайси ишда бевосита иштирок этмайди.

1973 йили Мегавати хонимга уйланган кезлари Т. Кимас бир пайтлар давлатни бошқарган президент Сухартони қўллаб-қувватлагани учун етти йиллик қамоқ жазосини ўтаб чиққан, чўнтагида бир тийини йўқ оддий талаба эди. Ўз меҳнат фаолиятини керосин сотишдан бошлаган Т. Кимас йиллар ўтиб, бир неча ёқилғи қуйиш шаҳобчаларининг эгасига айланди.

Деярли ўттиз йилдан буён бирга яшаб келаётган бу онладаги вазият ҳозир нафақат Индонезия, балки ундан ташқарида ҳам жуда синчковлик билан кузатилмоқда. Кимдир президент билан унинг турмуш ўртоғи ўртасидаги муносабатлар яхши эмас, деса, яна кимдир бунинг аксини айтади. Журналистларнинг бу ҳақдаги саволларига эса Мегавати хоним ўзига жуда ярашувчи мулойимлик билан жавоб бермасликни афзал билади.

Б. СОБИРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Экономика. Наука. Техника

МРАЧНЫЕ ПРОГНОЗЫ

Приблизительно 60 миллионов людей в южной Африке сталкиваются с голодом, болезнью и смертью из-за гуманитарного кризиса, из-за засухи и политической нестабильности. Это следует из доклада ООН.

По словам Дэвида Набарро — представителя Всемирной организации здравоохранения, только в ближайшие 6 месяцев могут погибнуть до 300 тысяч человек.

Худшие показатели уровня жизни в Лесото, Малави, Мозамбике, Свазиленде, Замбии и Зимбабве, а также в Анголе, опустошенной длительной гражданской войной.

ЗАКАЗАЛИ... ПО ИНТЕРНЕТУ

В Японии с конца 2001 года одна женщина погибла и 11 получили заболевания печени в результате того, что принимали препараты китайского производства (трех типов), разрекламированные как средства для диеты. Одному из пострадавших сделана пересадка печени. Об этом сообщили в пятницу представители министерства здравоохранения страны.

Согласно исследованию, проведенному министерством, одним из препаратов было супрессивное средство фенфлюрамин, распространение которого допускается только в сертифицированных фармацевтических препаратах.

Как стало известно, пострадавшие заказали «диеты» по Интернету, в Японию смертельно опасные препараты не импортируются.

(По страницам Интернета).

ШИРИНМИЯНИНГ НОЁБ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Мамлакатимиз ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этаётир. Афсуски, ўтмишда заминимизга салбий таъсири бўлган кимёвий моддалардан кўп фойдаланиш ва агротехника талабларига риоя этмаслик оқибатида шўрланган майдонлар кўпайди. Ҳозир бу жараённинг олдини олиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

— Олимларимиз Мирзачўл ҳудудидаги ана шундай майдонларда шўрга чидамли, саноат ҳамда экспорт учун зарур бўлган ширинмия ўсимлигини кўпайтириш ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқди,— деди фанлар академияси «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш маркази директори О. Ашурметов ЎзА мухбирига.— Ширинмиянинг илдизи 4—5 йилда қазиб олиниб, қимматли хомашё сифатида фойдаланилади. Ҳозирги кунда АҚШ, Япония ва Европа мамлакатларида бундай маҳсулотга талаб катта.

Мамлакатимизда мавжуд ширинмиязорлардан режасиз, пала-партиш фойдаланилиши оқибатида бутунга келиб унинг табиий захиралари камайиб кетганди. Буни бартараф этишнинг бирдан-бир усули мазкур ўсимликни маданийлаштириш йўли билан кўпайтиришдир. Бу усул ердан унумли фойдаланишни таъминлаш билан бирга тупроқ таркибини яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Гап шундаки, дуккакли ўсимликлар оиласига мансуб ширинмия илдизидаги туганак азот тўплаш хусусиятига эга. Бундан ташқари, ўсимлик ўқ илдизи сув излаб ернинг чуқур қатламларига етиб боради. Модда алмашинуви жараёнида тупроқнинг устки қисмидаги шўр пастга чўкади. Бундай майдонлардан эса галла, пахта, беда ва бошқа ўсимликлар экиб, мўл ҳосил олиш мумкин.

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН МАҲСУЛОТ

Тошкентдаги «Орзу» чарм атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятида аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда. Корхонада шу йил бошидан буён аёллар, эркаклар ва мактаб ўқувчилари учун маҳаллий хомашё асосида 500 миллион сўмликдан кўпроқ турли хил спорт анжомлари тайёрланди. Илгари бундай маҳсулотларнинг аксарияти хориждан келтириларди.

Бугунги кунда жамоанинг асосий эътибори импорт ўрнини боса оладиган маҳсулот турларини янада кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилашга қаратилмоқда. Жумладан, жамият қошида ташкил этилган шўъба корхонада аҳоли талабига мос ана шундай буюмлар учун безак ва шакл яратишга киришилди.

Р. ХУДОЙБЕРДИЕВА,
(ЎзА).

● «ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙ» ТАНЛОВИГА

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР СЎЗИ:

«ВАТАНДИН ЎЗГА БАХТИМ ЙЎҚ»

Ғурурим — она Туркистон, Ватандин ўзга бахтим йўқ,
Нисор этсам йўлига жону тандин ўзга нақдим йўқ.

Нетай, зулмат ичинда жанг-жадалла салтанат туздим,
Камол топ дини ислом, мулки Турон — бошқа аҳдим йўқ.

Золимлар илкидин мазлум ҳақин олмакка жаҳд этдим,
Раиятга зулм, ранж етказурга асти жаҳдим йўқ.

Ўн икки ёшга етгач, ранжу меҳнатла жаҳон кездим,
Элим тинчин дедим, роҳат-ҳаловатларга вақтим йўқ.

Нигирма етти подшоҳ тахти жамланди қўл остимда,
Буюк Турон — Самарқанд тахтидин-да ўзга тахтим йўқ.

Адолат ҳамда озодлик шуқурким, раҳбарим бўлди,
Хато ҳам бор, гуноҳим йўқ, демакка зарра шахтим йўқ.

Жасур авлодларим халқим, улус дардига дармондир,
Ғурурим — она Туркистон, Ватандин ўзга бахтим йўқ!..

АСКАР СЎЗИ

Туғилдим Ўзбекистон деб аталган боғу бўстонда,
Элим меҳри жўшиб туғёр этур доим тану жонда.

Қачон дунёда кўз очдим, Ватан, сен менга бош бўлдинг,
Ўзинг бахтим гулисан умр аталган бу гулистонда.

Қучоғингда садоқатла ўтарман фахрли бурчим,
Мани ёдинг етаклаб келди мавж урганча виждонда.

Шу юрт азмига бахшида бутун умрим, ўю фикрим,
Агарда этмасам хизмат қолардим сўнгсиз армонда.

Қўриқлайман элим тинч ухласин, деб автомат ушлаб,
Узун тунлар бўлиб сергак садоқат бирла ҳар онда.

Кўтарса қайси номард бош, оқизгайман кўзидан ёш,
Ахир бир қатраман мен ҳам ҳақиқат номли уммонда.

Вале гоҳи этар хуммор, ўтар уй, дўсту ёр қадри,
Соғинчим сақлагайман дур каби қалбимда, мужгонда.

Соғинч ҳиссию эл ишқи азиздир, эй Малик сенга,
Ҳур иқбол, жон-жаҳонинг, нон-насибанг Ўзбекистонда.

ЙИГИТ ОНТИ

Она Батан,
Тил тортмай ўлай —
Ўю фикрим бўлмаса
сенда.
Хаёлингсиз яшрокдай
сўлай.
Она сутим ҳаромдир
менга.
Сенинг ишқинг
Агарда бир дам,
Кўксим узра
Урмас экан жўш.
Унда қалбим
Қалб эмас ҳеч ҳам,
Унда қалбим фақат...
Парча гўшт...

Абдумалик ИСОМИДДИНОВ, журналист.

● ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

МЕЪДА-ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ

Меъда-ичак касалликларини касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар (микроблар) келтириб чиқаради. Меъда-ичак касалликларига ичбуруғ, колиинфекция, салмонеллёз, ич терлама (қорин тифи), паратифлар, озиқ-овқат токсикоинфекциялари, вирусли гепатитларнинг А ва Е шакллари, вабо каби касалликлар киради.

Аксарият ҳолларда одамларда касаллик клиник белгиларсиз ўтади, лекин уларнинг нажаси, сийдиги билан касаллик қўзғатувчи микроблар ташқи муҳитга ажралиб чиқади. Бундай кишилар тиббиётда «соғлом» бактерия (ёки вирус) ташувчилар деб юритилади.

Касалликнинг юқишида ўта юқори хавфли манбалар — булар касалликнинг енгил кечиши натижасида уни оёқ устида ўтказаётганлар ҳамда соғлом бактерия (ёки вирус) ташувчилардир. Бундай шахслар касалланганлигини ўзлари билмаган ҳолда кўпчилик билан мулоқотда бўладилар, эҳтиёт чоралари кўрилмаслиги оқибатида касалликнинг юқиш хавфи янада ортади. Шунинг учун ҳам юқумли меъда-ичак касалликларининг бошланғич белгилари (кўнгил айниш, қусиш, бир ёки икки маротаба ич кетиш) кузатилганда дарров шифокорга мурожаат қилиш лозим.

Касаллик маиший мулоқот йўли билан ҳам юқиши мумкин. Бунда касаллик хавфли гуруҳ кишилардан уйда, ишхонада, ётоқхонада ва бошқа шароитларда идиш-товоқ, кўрпа-тўшак, кийим-кечаклар ва бошқалардан умумий фойдаланиш натижасида юқади.

Барча юқумли меъда-ичак касалликларида касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар касалликнинг енгил, белгисиз шаклларини бошидан кечираётганлар ва ташқи кўринишидан «соғлом» бактерия ташувчиларнинг нажаси, сийдиги, шу билан бирга беморларнинг қусуғи билан ташқи муҳитга ажралиб чиқади.

Бундан кўриниб турибдики, улар фойдаланган пиёла, қошиқ, коса, стакан ва бошқа идиш-товоқлар, беморлардан қолган овқат қолдиқлари, ич кийим, сочиқ, эшик тутқичлари, ёстиқ, кўрпа жилдлари, чойшаб, хона жиҳозлари, ўйинчоқлар, раковина, (қўл ювгич), ҳожатхона, тувак ва бошқа буюмлар хавфли ҳисобланади, чунки булар касаллик чақирувчи микроблар билан зарарланган бўлиши мумкин. Юқумли меъда-ичак касалликларининг тарқалишида ҳашоратлар, айниқса, суварак ва пашшаларнинг ҳам ўрни жуда катта.

Улар асосан ҳожатхона, ахлатхона, гўнгхона, молхона, кир ўраларида тухум қўйиб етилади ва кўпаяди. Биргина ахлат солинадиган идишда минглаб пашша личинкалари етилиши мумкин. Биргина пашша ичаги, қорни, оёғи ва қанотларида миллионлаб микроб ва гижжа тухумларини олиб юради. Очиқ қолган озиқ-овқат маҳсулотларига, идиш-товоқларга қўниб, уларни зарарлайди. Пашша микроб ва гижжа тухумларини 1,5 км масофага етказиш хусусиятига эга.

Касалликнинг яширин даври тугагандан сўнг ҳар бир касаллик ўзига хос белги ва аломатлар билан намоён бўлади. Ҳар бир касалликнинг клиник кечиши бирбиридан фарқ қилса-да, бу касалликларнинг барчаси учун хос бўлган умумий белгилар ҳам мавжуд. Булар: дармон қуриши, лоҳас бўлиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, бош оғриши, кўнгил айниши, қусиш ва ич кетиш ҳолларидир.

Сурункасига ич кетиши ва қусиш тананинг сувсизланишига олиб келиши мумкин. Тананадан кўплаб суюқлик, у билан бирга минерал тузлар ҳам чиқиб кетади. Тана қурий бошлайди, бемор озади. Сувсизланиш юрак ва мия фаолияти ҳамда қон айланишининг кескин бузилишига олиб келади.

Яна бир нохуш оқибатларидан бири, бу ичак деворларида тешилиш хавфининг мавжудлигидир. Жумладан, қорин тифи, паратиф ва ичбуруғ касаллигини келтириб чиқарувчи микроблар ичак деворларини яллиғлантирибгина қолмай, балки яра ҳосил қилиб, унинг емирилишигача олиб келиши мумкин, оқибатда ичак деворини тешилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу ҳолат ҳам инсон ҳаётига хавф солиши мумкин.

Ўзингизда, сафдошларингизда, оила аъзоларингизда, айниқса, гўдак ва кичик ёшдаги болаларда юқоридаги ҳолатлар кузатилса, вақтни бой бермай зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш зарур.

КАСАЛЛИККА ЧАЛИНМАСЛИК УЧУН ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИШ КЕРАК?

Авваламбор, кундалик шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш, яъни:

— ҳар куни кечқурун — уйқудан олдин, эрталаб — уйқудан сўнг юз-қўлни совунлаб ювиш ва тишларни тозалаш;

— тишларни тозалашда фақат шахсий тиш чўткаларидан фойдаланиш;

— ҳожатдан ва оёқ кийимни тозалагандан сўнг, овқатланишдан олдин қўлларни совунлаб ювиш;

— мева ва сабзавотларни тозалаб ювиб, қайнатилган сувда чайиб истеъмол қилиш;

— махсус идишларда чиқарилган ва қайнатилган сувни (чойни, янтоқ чойини) ичиш;

— чўмилганда фақат шахсий мочалка ва сочиқдан фойдаланиш;

— текширилмаган очиқ сув ҳавзаларида чўмилмаслик, улардан ичиш ва бошқа маиший-хўжалик мақсадларида фойдаланмаслик;

— ҳар куни пол, дераза токчалари, кроватларни ва эшик тутқичларини ҳўллаб артиб, дезинфекция воситалари ёрдамида зарарсизлантириб туриш мақсадга мувофиқдир.

Тайёр овқатларни сақламаслик, тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини фақатгина совутгичларда сақлаш зарур.

Ошхона анжомлари ва жиҳозларини озода сақлашга эътибор қилинг.

Овқат қолдиқларини очиқ ишлатилган идиш-товоқларни ювиқсиз қолдирманг, чунки улар пашша ва сувараклар кўпайишига сабаб бўлади.

Ишлатилган идиш-товоқларни махсус ювиш воситалари ёрдамида тозалаб ювилишига, кейин эса қайноқ сув билан чайилишига, пашша ва чанг ўтирмаслиги учун устидан дока билан ёпиб қўйилишига одатланинг.

Сутни фақат қайнатиб истеъмол қилинг.

Балиқ ва гўштли таомларнинг етарли даражада термик ишловдан ўтказилишига аҳамият беринг.

Ахлатларни қопқоғи зич ёпиладиган идишларга йиғиш, уни ҳар куни бўшатиб, ювиб, қуритишга, дезинфекцияловчи воситалар ёрдамида зарарсизлантиришга амал қилинг, шундагина пашшалар тухумлари ва личинкалари нобуд бўлади.

Ҳожатхоналар эшигини доимий ёпиқ турилишини, мунтазам равишда дезинфекцияланишини таъминланг.

Пашшалар кирмаслиги учун ошхоналар деразаларига махсус тўр тутинг.

Юқоридаги маслаҳатлар тўла-тўкис амалга оширилсагина юқумли меъда-ичак касалликлари юқиши ва тарқалишининг олдини олган бўласиз.

ШУНИ ЭСИНГИЗДА ТУТИНГ!

Касалликни бирламчи белгилари пайдо бўлгандаёқ врачга ёки бошқа тиббиёт ходимига зудлик билан мурожаат қилинг. Тиббиёт ёрдамига кеч мурожаат қилиниши, врач кўрсатмасисиз даволаниш оғир оқибатларга олиб келади.

Унутманг! Саломатлигингиз ўз қўлингиздадир!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази бошлиғи тиббий хизмат подполковниги Х. МАТМУСАЕВ,
тиббий хизмат подполковниги Қ. ҲОЛИҚОВ.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!
Умумҳарбий низомларни ўрганамиз

Ҳурматли офицерлар, аскарлар! Азиз муштарийлар! «Ватанпарвар» газетаси таҳририяти ташкил этган «Умумҳарбий низомларни ўрганамиз!» танлови ўз билимингиз, имкониятингизни синовдан ўтказиш, магнитофон, радиоприёмник, қўл соатлари каби қимматбаҳо совға, рағбатлантирувчи мукофотларни қўлга киритиш учун ажойиб имконият. Имкониятни ҳақиқатга айлантириб, голиб бўлинг! Танлов Ватан ҳимоячилари куни арафасида якунланди.

Тўпланган баллар ой, квартал давомида мунтазам ҳисоблаб борилади. Тест саволларини қирқиб, тўғри жавобларни белгилаб, редакция адресига жўнатаётганингизда исмингиз, фамилиянгиз ва манзилингизни тўлиқ кўрсатишни, конвертга «Танловга» деб ёзишни унутманг! Ҳар бир белгиланган тест жавоби рўпарасида фойдаланилган Низом ва унинг моддаси аниқ кўрсатилиши шарт.

Танловда фаол қатнашинг, омад сизга ёр бўлсин!

ТЕСТ САВОЛЛАРИ № 19

1. Бригаданинг тарихий аъмол китобчасини (формулярини) ким юритади?

А. Бригада командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари.
В. Бригада штабининг бошлиғи.
С. Бригада командири.

2. Бригада командирининг қурол-аслаҳа бўйича ўринбосари ҳарбий техника ва бошқа моддий воситаларнинг техник ҳолатини қачон текширади?

А. Камида ойда бир марта.
В. Йилда камида икки марта.
С. Ҳар кварталда.

3. Мададга келган шахсий таркиб неча кеча-кундуздан ошмасдан алоҳида хонага жойлаштирилади?

А. 10.
В. 15—20.
С. 14.

4. Командир (бошлиқ) тушган таклиф (ариза, шикоят)ни қанча муддатда кўриб чиқади?

А. Икки ҳафта ичида.
В. Ариза тушгандан сўнг 1 ой ичида.
С. 5 сутка ичида.

5. Шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётганларни гауптвахтада ушлаб туриш учун банди қилишни ким ижро қилади?

А. Ҳарбий қисм бўйича навбатчи офицер.
В. Бригада командири белгилайди.
С. Ҳарбий қисм бўйича навбатчи.

6. Муддатли хизматдаги аскар, сержант ва старшиналар интизомий тартибда банди қилинганларида гауптвахтага қайси кийимда рухсат этилади?

А. Саф учун кийиладиган, одатдаги устбошларида.
В. Иш кийимида ва шинелларини олиб қоладилар.
С. Иш кийимида ва шинелларини олиб қолмайди.

7. Ички қоровулликда қоровулхонадаги ўқ-дорилар захирасининг миқдори ва ҳолатини ҳарбий қисм штаб бошлиғи қачон текширади?

А. Бир йилда икки марта.
В. Ойда камида икки марта.
С. Ойда камида бир марта.

8. Қоровуллик хизматини ўташ навбатини ким белгилайди?

А. Ҳарбий қисм коменданти.
В. Ҳарбий қисм штабининг бошлиғи.
С. Ҳарбий қисм бошлиғи.

9. Олдга қарама-қарши томон нима?

А. Олд.
В. Орқа.
С. Сафнинг бўйи.

10. Қуйидаги шартли белги ёрдамида, қўллар билан сафни бошқариш сигналини топинг?
Иккала қўл ҳам баланд кўтарилади ва зудлик билан ёнбош бўйлаб пастга туширилади.

А. Ҳамма жой-жойига.
В. Машиналарга.
С. Командирлар (бошлиқлар) йиғини.

ЖАВОБ БЕРУВЧИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР:

1. Ҳарбий унвони, фамилияси, исм-шарифи: _____

2. Манзили: _____

3. Таклифлар: _____

Тест саволларини подполковник Н. ГУЛБОЕВ тайёрлаган.

● КУРАШ

Беллашувлар жуда қизғин ўтди

Бугунги кунда бутун дунёда ташкил этилаётган нуфузли халқаро спорт мусобақалари тақвимида ўзбек кураши бўйича ўтказиладиган турнир ва чемпионатлар кенг ўрин олмоқда. Яқинда Осиё ва Африка қитъаларида ана шундай йирик турнирлар бўлиб ўтди.

Эрон пойтахти Теҳронда Паҳлавон Маҳмуд I халқаро турнири якунланди. Бу мусобақада Осиё ва Европанинг йигирмага яқин мамлакатидан келган полвонлар учта — 73, 90 ва ундан кўпроқ килограмм вазн тоифасида гиламга чиқди. Айниқса, ўзбек кураши бўйича илк марта шундай нуфузли беллашувда қатнашган Макао, Қатар, Сурия, Иордания ва Покистон полвонларининг чиқишлари мухлису мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди. Турнирнинг учта бош соврини эронлик полвонлар Иффатий Аҳмадий, Али Ризо ва арманистонлик Григорян Арутюновга насиб этди.

Паҳлавон Маҳмуд II халқаро турнири келаси йили Эроннинг Хуросон вилоятидаги Машҳад шаҳрида ўтказиладиган бўлди.

Халқимиз ифтихори бўлган курашни жадал сурьатларда ўзлаштириб олаётган Африкада эса эркаклар ва аёллар ўртасида II қитъа чемпионати ўтказилди. Жанубий Африка Республикасининг Порт-Элизабет шаҳрида бўлиб ўтган бу биринчиликда «Қора қитъа»нинг Мали, Ангола, Мозамбик, Зимбабве, Ботсвана, фил суяги қирғоғи ва Маврикия каби йигирмадан зиёд давлати спортчилари қатнашди. Бундан ташқари, мусобақаларда Осиё вакиллари — ҳиндистонлик полвонлар ҳам ўз маҳоратини намойиш этди.

Эркаклар ўртасида 60 килограммгача вазн тоифасида барча ўринларни ЖАР вакиллари — Г. Котзе, Л. Луив, Ж. Мариас ва Л. Лефут эгаллади. Оғирлиги 66 килограммгача бўлган курашчилар баҳсида ҳиндистонликлар — К. Арин ва К. Нареш шоҳсупанинг дастлабки икки погонасига кўтарилди. Бронза медаллари эса мезбонлар вакиллари Р. Уайт ҳамда Ж. Мариасга насиб қилди.

Вазни 73 килограммгача бўлган полвонлар орасида ЖАР спортчиларига тенг келадигани топилмади. Д. Френч, Е. Редпарт ва А. Гуш юқори погоналарни эгаллаб, жамоаси ҳисобига яна учта медаль келтирди. Малидан келган М. Соумаре ҳам бронза медалига сазовор бўлди. Оғирлиги 81 килограммгача полвонлар баҳсида яна мезбонлар ўзини кўрсатди. Ф. Френч олтин, С. Магажама ва М. Десфоунтеин бронза медалларини қўлга киритган бўлса, маврикиялик Ж. Дурхом кумуш медаль билан кифояланди.

Яккакураш баҳсларида энг қизғин ва муросасиз курашлар оғир вазнли полвонлар ўртасида кечиши шубҳасиз. Африка чемпионати ҳам бундан мустасно бўлмади. Вазни 90 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида барча медалларни мезбонлар — Г. Андерхольд, Л. Смит, Ж. Дельпорт ва Ф. Влок эгаллади.

Вазни 100 килограммгача бўлган курашчилар орасида Г. Вентер (ЖАР), Г. Вена (Мозамбик), Л. Смит (ЖАР) ва Р. Клеменс (ЖАР) муваффақият қозонди. Энг катта вазн — оғирлиги 100 килограммдан зиёд полвонлар баҳсида Л. Клуе, П. Вослоо ва М. Жаннакос ғалаба қозониб, ЖАР ҳисобига учта медаль келтирди.

Африка чемпионатида аёллар баҳси ҳам кураш шинавандаларида катта қизиқиш уйғотди. Гўзаллар 48, 52, 63, 70, 78 ва 78 килограммдан юқори вазн тоифасида куч синашди. Қайд этилган натижаларга кўра, ЖАРда ўзбек кураши нафақат эркаклар ўртасида, балки аёллар орасида ҳам тобора оммалашиб бораётганини кўрсатди. Чунки зикр этилган вазн тоифаларининг деярли барчасида мезбонлар — Т. Бассон, С. Тронхилл, Х. Моллер, С. Симен қитъа чемпиони деган номга сазовор бўлди. Фақатгина оғирлиги 78 килограммгача бўлган полвонлардан маврикиялик П. Черри Лебон жанубий африкаликларга муносиб қаршилик кўрсатиб, олтин медаль олди. Кумуш ва бронза медалларининг барчасини ЖАР вакиллари қўлга киритди.

Биринчилик якунида Африка кураш конфедерациясининг (АКК) спорт комиссияси икки номинация бўйича энг кучли полвонлар номини эълон қилди. Оғирлиги 63 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида Африка чемпионлигини қўлга киритган қиз Хенриет Моллер «Африканинг 2002 йилдаги энг кучли курашчиси» деб топилди. 17 ёшли полвон Гарри Андерхольд эса «Африканинг 2002 йилдаги энг умидли курашчиси» деб эътироф этилди.

Шундай қилиб, II Африка чемпионати ҳам зўр муваффақият билан якунланди. Чемпионат давомида ўтказилган АКК конгрессида 2003 йили III Африка чемпионатига мезбонлик қиладиган давлат номи аниқланди. Навбатдаги чемпионатни қабул қилиш учун тўртта мамлакат — Нигерия, Мали, Маврикия ва Кот'д Ивар номзоди кўрсатилди. Бироқ овоз бериш жараёнида Маврикия номзоди маъқулланди ва келаси йилги қитъа биринчилиги Порт Луи шаҳрида ўтказиладиган бўлди.

З. ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

АЙЛАНМА СКАНВОРД



Ф. ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 72-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Август, 4. Тамтам, 8. Бувакки, 9. Иморат, 10. «Сантос», 11. Сафоял, 18. «Арслон», 19. Нурота, 20. Азамат, 21. Тамаки, 22. Анатит, 23. Тараша.

БУИИГА: 1. Асбест, 2. Гавана, 3. Сектор, 5. Аммиак, 6. Термос, 7. Металл, 12. Тамара, 13. Аслаҳа, 14. Родари, 15. Кучала, 16. Соната, 17. Латифа.

Этот пестрый мир

УЛОВ — ЧАСТЬ САМОЛЕТА

Рыбак из портового города Херцег Нови в Черногории выловил части самолета, принадлежавшего НАТО.

«Мы тут вылавливаем разные вещи», — прокомментировал сам рыбак свою находку. Сначала рыбаки думали, что это мина, но потом, увидев двухметровый фрагмент крыла, поняли, что это беспилотный самолет-разведчик. Они сразу же сообщили о своей находке представителям полиции и военным.

ЗА СЕСТРУ, ТЕПЕРЬ...

В немецком городе Саарбрюкен женщина отсидела 10 месяцев в тюрьме за свою младшую сестру. После того, как ее младшая 33-летняя сестра отказалась возвращаться в тюрьму после очередного отпуска, 37-летняя женщина, воспользовавшись исключительным внешним сходством со своей сестрой, отправилась вместо нее в тюрьму. Однако спустя 10 месяцев, устав от тюремного режима, она сама заявила, что находится в тюрьме незаконно. По словам представителей тюремной администрации, теперь женщине грозит уже вполне законный тюремный срок за обман властей.

ОДИН ИЗ СОЗДАТЕЛЕЙ...

Эверетт Вебб, один из четырех инженеров, создавших «Боинг-747», умер 2 июля в возрасте 80 лет от сердечной недостаточности.

Вебб ушел на пенсию в 1987 году после 46 лет работы в компании «Боинг». Он также участвовал в создании «Боинг-747, -707 и -767».

Презентация «Боинга-747» состоялась в 1968 году. С тех пор эти самолеты перевезли более 2 млрд. человек и покрыли расстояние, превышающее 40 млн. км.

(По материалам печати).

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82; отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.
Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.
Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.
Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».
Заказ № 6304.